O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Куч — адолатда

АДОЛАТ

Газета 1995 йил
22 февралдан чиқа бошлаган

2005 йил
1 июль

№ 27
(523)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Сотувда
эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28-29 июнь кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия алоҳида ўрин тутади. Тошкент ва Москванинг кўплаб халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқин, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қараш ва интилишлари муштарак. Ўзбекистон ва Россия барча соҳаларда ўзаро алоқалар кўламини кенгайтиришдан манфаатдор. Ана шу манфаатдорлик, шунингдек, ҳамкорликдаги ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, икки давлат раҳбарларининг ўзаро самимий муносабати, кўпгина масалаларда фикрдошлиги 2004 йили Тошкентда Ўзбекистон билан Россия ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланишига асос бўлди. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида қарор топган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш, ишга солинмаётган имкониятларни кўриб чиқиш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратмоқда.

Ислом Каримовнинг Москвага бу галги ташрифи чоғида Россия Президентининг Ново-Огарёво қароргоҳида ўтган музокаралар савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалар масалалари муҳокамасига бағишланди. Ислом Каримов ва Владимир Путин ҳамкорлик кўлами муттасил кенгайиб, савдо-иқтисодий алоқаларга доир кўрсаткичлар ошиб бораётганини, ушбу ташриф ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 38 фоиз ошиб, 1 миллиард 641,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойига доир кўрсаткич эса 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 42 фоиз ўсган.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ёқилғи-энергетика мажмуидаги сармоявий ҳамкорлик диққатга сазовордир. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» ва «Газпром» очиқ акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон нефт-газ саноатига 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилишини кўзда тутади.

Ново-Огарёво учрашувида бошқа кўплаб йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли йирик лойиҳалар режалаштирилаётгани қайд этилди.

Маданият ва санъат, таълим, экология ва умуман ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил мулоқотлар, ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ислом Каримов ва Владимир Путин халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Ислом Каримов жорий йилнинг 13 май куни Андижонда рўй берган фожеали воқеалар хориждаги экстремистик марказлар томонидан тайёрланган операция эканлигини, унга МДҲ, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида содир бўлаётган жараёнлардан айри ҳодиса сифатида қараш мумкин эмаслигини таъкидлади.

Андижон воқеалари, МДҲ мамлакатларида уюштирилаётган турли «рангли инқилоблар»дан фарқли ўлароқ, мутлақо янги шакл ва қиёфада амалга оширилган мудҳиш фитнадир. Бу гал «сценарий муаллифлари» ва «режиссёрлар» «демократияпараст оломон»ни намойишга олиб чиқмади. Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатини кўра олмайдиган, Марказий Осиёда вазиятни издан чиқариш ниятида бўлган бу «раҳнамолар» оломон ўрнига, қўпорувчилик бўйича яхши тайёргарлик кўрган террорчи ва экстремистларни ишга солди, деди Ислом Каримов.

Бу мудҳиш операцияга олдиндан тайёргарлик кўрилгани қуйидагилардан ҳам аён бўлади: хорижлик журналистлар Андижон воқеалари арафасида Ўзбекистонга келиб, жойлашиб олди. Чунки милиция батальони ва ҳарбий қисмдан катта миқдорда қурол-аслаҳа ва ўқ-дори олиниши, қамоқдан юзлаб жиноятчилар чиқариб юборилиши туфайли тинч аҳоли орасидан қурбонлар бўлиши муқаррар эди. Шу тариқа ахборот хуружи учун ҳам замин тайёрланганди. Андижонда ҳали битта ҳам ўқ отилмай туриб, айрим хориж оммавий ахборот воситалари «ҳукумат тинч аҳолини ўққа тутишга буйруқ бергани» ҳақида жар сола бошлади. Кейинчалик ғараз ниятли бу кампания иштирокчилари мустақил халқаро текшириш ўтказишни талаб қилишга тушиб кетди.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбарининг операция хорижда тайёрланганлиги тўғрисидаги фикрини тасдиқлаб, ўша кунлари Афғонистонда жангариларнинг ҳаракатга тушиб қолгани ва айрим мамлакатлар чегаралари яқинида қўпорувчилар гуруҳлари тўпланганги кузатилганини, Россия махсус хизматлари бу ҳақдаги маълумотларга эга эканини таъкидлади.

Россия раҳбари Андижон воқеалари муносабати билан Ўзбекистон халқига ҳамдардлик изҳор этди. Андижонда ҳаёт изга тушгани, вазият барқарорлашгани ва назорат остига олингани бизни қувонтиради, деди Владимир Путин.

Ново-Огарёво учрашувида томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россия мудофаа вазири Сергей Иванов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий маҳсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотни тадқиқ этиш бўйича давлатлараро дастурлар тузиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Учрашувда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар очиш масаласи кўриб чиқилди. Бу йил Ўзбекистон ва Россия қуролли кучлари биргаликда ҳарбий машқ ўтказиши мазкур соҳадаги ҳамкорликнинг дадил қадамларидан бири бўлиши таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти билан музокаралар самарали бўлганини, суҳбат очиқ, ўзаро ишонч руҳида, ишчанлик кайфиятида ўтганини қайд этди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Москва-Тошкент.

Самарқанддаги «Жайҳун» қурилиш компаниясининг бунёдкорлик ишларидан бугун кўпчилик мамнун.
Суратларда: жамоанинг моҳир пайвандчиси Маҳмуд Боботўраев; компания мутахассислари Бахтишод Тохиров ва Амриддин Ғофуров иш устида.
Зоҳир Тўрақулов олган суратлар

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ...

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш хусусида тўхталиб, эркин тадбиркорлик фаолияти учун кафолатларни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори айни шу мақсадларга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида мазкур ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва уларнинг ижроси юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, бу борада солиқ хизмати органлари олдида турган долзарб вазифалар борасида журналистларга батафсил ахборот берди.

Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва талабларини тадбиркорлар ўртасида чуқур тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Уларни қизиқтираётган саволларга атрофлича жавоблар берилмоқда.

Анжуманда мазкур йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. Шу боис солиқ хизмати органлари ва журналистларнинг бу борадаги ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Тасаввур қилинг, уйингиз ёнидан оқиб ўтувчи тип-тиниқ, зилол ариқ сувини четдан биров келиб лойқалатса, уни булғаса қандай аҳволга тушасиз. Бу нафақат кайфиятингизни бузади, балки ғазабингизни ҳам қўзғаши аниқ.

Муносабат

СУВНИ ЛОЙҚАЛАТМАНГ

Шу йилнинг май ойида Андижонда бўлиб ўтган воқеаларни олис хориж мамлакатлари, оммавий ахборот воситалари турлича ёритдилар. Кимдир холислик йўлидан борган бўлса, яна кимдир нохолисликка қўл урди... 13 май воқеаларининг тепасида турганларнинг ким эканлиги, уларнинг мақсади ҳам қандай эканлиги барчага кундай равшан бўлиб турган бир пайтда интернетнинг баъзи сайтларида ва айрим оммовий ахборот воситаларида миш-мишлар шундай кўпириб кетдики, беихтиёр хаёлга толасан, киши. Кўлига қурол олиб инсон қонини тўккан кишини ҳеч маҳал оқлаб бўлмайди. Қолаверса, бу демократиянинг ҳам ҳеч бир мезонига тўғри келмайди. Мустақилликкача неча минг қирғинбаротларни кўрган халқимизнинг эса яна тартибсизликлар қуршовида қолишга ҳеч ҳам тоқати йўқ. Лекин ана шу тартибсизликлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётганларга, уни бир томонлама ёритишга интилаётганларга асло бефарқ қараб бўлмайди. Гап бу ерда, айрим ОАВ ҳақида бормоқда. Кўпол бўлса ҳам айтиш керакки, Андижон воқеалари ҳақида гапираётган айрим чет эл телерадиокомпаниялари ёки матбуот нашрларини кузатиб туриб, уларнинг террорчиларни оқлашга, янаям аниқроғи, терроризмнинг "Тегирмонига сув қуяётганлигига" гувоқ бўлиш мумкин.

XXI аср — ахборот асри. Ахборотлар глобаллашуви натижасида жамият ҳам шунга мувофиқ тарзда ўзгармоқда.

Лекин глобаллашув холислик ва ҳаққонийликдан чекиниш дегани эмас. Май воқеалари билан боғлиқ матбуот конференциясида Юртбошимиз мазкур терактнинг сабаблари, ундан кўзланган сиёсий мақсадни далил ва мисоллар билан шу қадар аниқ равшан таҳлил этиб бердиларки, бу ҳам бўлса ҳақиқатда нима бўлганлигини билишга имконият яратди. Лекин матбуот конференциясигача ва ундан сўнг айрим ОАВда пайдо бўлган мақолаларни кўриб, қўлида қурол билан халққа ўқталган террорчиларни "тинч" митинг намойишчилари дея аташга уринаётган журналистларнинг тип-тиниқ сувни лойқалатишга ҳаракат қилаётганларга ўхшатиш мумкин. Демоқчи бўлганимиз, биз ана шундай нохолис бир томонлама ахборотларга нисбатан ҳам огоҳ бўлишимиз керак, токи ҳеч ким тоза суни булғамасин, чўп тиқиб уни лойқалатмасин.

Отабек ХОЛБОЕВ,
ҳуқуқшунос

«Адолат» СДП фаолиятидан

ХАШАР ЎТКАЗИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши асосида «Сиҳат-саломатлик йили» дастуридаги вазифаларни амалга оширишга «Адолат» СДП Сирдарё вилоят партия ташкилоти ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Халқ орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун санитария ҳолатини янада яхшилашга, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир ишларни ташкил қилмоқда, маҳаллалар, майдон ва ҳиёбонлар тартибга келтирилмоқди.

Куни кеча «Адолат» СДП Сирдарё вилоят Кенгаши вилоят ҳокимияти ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда ушбу дастур бўйича Гулистон шаҳри ва Ховос туманида ободонлаштириш бўйича умумҳалқ ҳашарлари ўтказди. Хашарларда кўча ва ҳиёбонлар, боғлар, ариқ ва зовурлар, турар-жой ва унинг атрофлари тартибга келтирилди.

Тадбирларда вилоят партия ташкилотига бирлашган 2 мингдан ортиқ «Адолат» СДП аъзолари фаол иштирок этдилар.

«ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ»

24 июнь куни Самарқанд вилоят Нуробод тумани Сазағон қишлоғида жойлашган Қўшчинор оромгоҳида «Адолат» СДП туман Кенгаши, туман ҳокимлиги, Сазағон қишлоқ фуқаролар йиғини, участка нозирлари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқитувчилари жамоаси иштирокида «Гиёҳвандликка қарши кураш куни»га бағишланган «Гиёҳвандлик - аср вабоси» мавзуида тадбир ўтказилди.

Унда туман партия Кенгашининг биринчи котиби Парда Эсонов йиғилганларга гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликларнинг одам организими, айниқса, ёшлар организми учун зарарли экани ҳақида, шунингдек, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш гиёҳвандликка мойилликни тез ривожланишига, бу эса оила бузилишига, болаларни етим қолишига сабаб бўлиб, охир оқибат кишини оғир дардларга йўлиқтириб, ўлимга олиб келиши мумкинлики тўғрисида сўзлаб берди.

Тадбирда сўзга чиққан маҳалла оқсақоллари, участка нозирлари ва фаоллари ёшларни аср вабоси бўлмиш гиёҳвандликдан ҳимоя қилиш учун курашиш лозимлигини таъкидладилар.

ЮРИДИК ИНСТИТУТДА КОНФЕРЕНЦИЯ

25 июнда Тошкент Давлат юридик институтида «Гиёҳвандликка қарши кураш куни»га бағишланган конференция бўлиб ўтди. Конференцияни институт ректори, Олий Мажлис Сенати сенатори, профессор Мамаюсуф Рустамбоев кириш сўзи билан очди. Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Юсибжон Нишонов иштирок этди ва маъруза қилди.

Юсибжон Нишонов ўз маърузасида гиёҳвандликнинг келиб чиқиш сабаблари, мудҳиш оқибатлари ва уни бартараф қилиш йўллари ҳақида гапириб берди.

«Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши аъзоси Зоирбек Парпиев конференция қатнашчиларининг эътиборини гиёҳвандлик оқибатида одамларда пайдо бўладиган касалликларга қаратиб, гиёҳвандликни бартараф этишда тиббиёт ходимлари ва жамоат ташкилотларининг вазифалари хусусида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси ходимлари, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва бошқа жамоат ташкилотлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари қатнашди.

ОҚСОҚОЛЛАР ВА ФАОЛЛАР БИЛАН

Тошкент шаҳаридаги 6-сонли оилавий поликлиникада «Адолат» СДП Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги 18 та маҳалланинг оқсақоллари ва фаоллари билан «Гиёҳвандликни олдини олиш чора-тадбирлари» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда туман партия Кенгаши биринчи котиби Феруза Юлдашева ва Наркология диспансери бош врачи Олег Салеватовичлар сўзга чиқиб, гиёҳванд моддаларнинг маккор хусусиятлари ва уларнинг одам организимига таъсири, гиёҳвандлик дардига кўпроқ ёшларнинг чалиниш сабаблари, бу иллатнинг олдини олиш борасида давлатимиз ва «Адолат» социал-демократик партияси томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб бердилар.

Учрашувда сўзга чиққан маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, «Фарзандларимизнинг умри хазон бўлмасин десак, уларни бу ҳавфдан ҳимоя қилишимиз, ота-оналар, шифокорлар, маҳалла фаоллари, барча-барчамиз жамул-жам бўлиб бу иллатга қарши курашмоғимиз даркор», дея фуқароларни бу иллатга қарши курашишга дават этдилар.

ДАВРА СУҲБАТИ

26 июнда «Адолат» СДП Юнусобод туман Кенгаши ташуббуси билан «Сорбтех» кционерлик жамиятида корхона ходимлари, маҳалла фаоллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Йиғилишда партия фаоли, тиббиёт фанлари номзоди Мирзараҳим Алимовнинг «Гиёҳвандлик — XXI аср иллати» мавзуидаги маърузаси тингланди. Маърузадан сўнг бўлиб ўтган қизғин баҳс-мунозараларда бу иллат занжирига тушиб қолганларнинг аксарияти ёшлар эканлиги, уларга шифокорлар, маҳалла фаоллари билан биргаликда ёрдам кўрсатиш зарурлиги таъкидланди.

«СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК»

Ургут туманидаги 16-мактабда, шу мактаб директори, «Адолат» СДП аъзоси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Неъмат Хўжамов ташаббуси билан «Сиҳат-саломатлик йили»га бағишланган «Соғлом авлод-соғлом келажак» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

Давра суҳбатида депутат Неъмат Хўжамов сўзга чиқиб, ёшлар ўртасида содир бўлаётган жиноятчиликни олдини олиш, гиёҳвандликка карши курашни кучайтириш, уларни адашиб экстремистик гуруҳларга кириб кетмасликларини таъминлаш, шу билан бирга мактабни битирганларидан сўнг ишга жалб этиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапириб берди.

Шу билан бирга, партия фаоли «Адолат» СДПнинг сайловолди дастури ҳамда партиянинг ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олиб бораётган қонунчилик фаолияти ҳақида маълумот берди.

(Давоми 2-бетда)

27 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биносида Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси "Халқаро терроризм ва диний экстремизм муаммолари" мавзусида семинар-тренинг ўтказди.

ҚЎМИТАДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Қўмита раиси М.Тешабоев бошқарган мазкур семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом университети ректори З.Ҳуснинддинов иштирок этиб, "Диний экстремизм ва терроризмнинг минтақамизга таҳдиди" мавзуида маъруза қилди. Шунингдек, Тошкент халқаро Весминстр университети ректори А.Абдувоҳидовнинг "Диний экстремизм ва терроризмнинг жамият барқарорлигига таҳдиди", мазкур қўмита аъзоси С.Абдуллаевнинг "Диний мутасиблик — терроризмнинг ғоявий омили сифатида" мавзусига бағишланган маърузалари тадбир қатнашчилари томонидан қизғин кутиб олинди.

Иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотган мазкур семинар-тренингда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгиши биринчи котиби, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Дилором Тошмуҳамедова ва мазкур фракция аъзолари иштирок этдилар.

● Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

АҚЛ-ЗАКОВАТ УСТУН КЕЛАДИ

Андижонда содир этилган хунрезликлар, инсон боласига хос бўлмаган бебошликлардан давлат раҳбаридан тортиб боғчада тарбияланаётган фарзандларимизгача ларзага тушди. Чунки бу мудҳиш воқеалар ортида неча-неча инсонлар фожеаси бор эди. Воқеа содир бўлаётган жой қанчалик хавфли бўлмасин давлатимиз раҳбари зудлик билан Андижонга етиб келди. Президентимиз томонидан берилган кўрсатмалар нақадар тўғри ва ҳақ эканлиги шу кунларда янада ёрқинроқ кўринянпти.

Эл юрт фаровонлиги йўлида куйиб-ёниб ишлаётган ва халқаро майдонда ҳам кучли сиёсатдон ҳамда халқпавар давлат раҳбари бўлиб эътибор топаётган Юртбошимиз бу сафар ҳам ўзига хос матонат ва жасорат кўрсатди. У Андижон воқеаларини халқимиз тўғри англаб етиши учун турли миш-миш ва бўҳтонларга берилмасликни уқтирди. Турли тоифадаги уйдирмачилар бонг уриб, бу ваҳшийликларга сиёсий тус беришга уриндилар. Ҳукуматимиз томонидан ўз вақтида кўрилган оқилона чоралар туфайли воқеа ривожини чекинишига эришилди. Республикамиз Олий Мажлиси қуйи палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларидан иборат Андижондаги воқеаларнинг сабаб ва оқибатларини атрофлича ўрганиш учун мустақил парлемент комиссиясининг тузилганлиги ва бу комиссия вилоятимизда фаол иш олиб бораётганлиги ҳукуматимиз раҳбарининг бўлиб ўтган воқеаларга чуқур эътиборини исботлайди.

Андижон воқеалари бўлиб ўтганидан буён айрим мамлакатларнинг ОАВ ўзларининг турли хил талқинлари билан дунё ҳамжамияти фикрини чалғитиб, воқеаларга ўзлари истаган, яъни, демократия, инсон ҳуқуқлари бузилаётгани каби таъриф беришга уринмоқдалар.

Лекин, бу гапларнинг ҳаммаси даромадлар эвазига яратилаётган бўҳтонлар эканлиги кўплаб чет эл дипломатлари, журналистлари томонидан эътироф этилиши, вақт ўтиши билан ҳақиқат қарор топаётганининг исботидир.

Далиллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, "Акромий" тўдалар гирдобига илинганлар оддий меҳнаткашлар эмас, балки юртимизда тинчлик барқарор ривожланишни кўролмаётган мансаб, амалга интилувчи амалпараст, иродаси бўш, маънавияти саёз ёшлар гуруҳи экан.

Неча кундирки Андижон аҳли яна тоза ҳафодан нафас олиб ҳаёт тарзларини аввалги ҳолатга келтирмоқдалар. Корхона, ташкилот ва ўқув масканлари бир меъёрда фаолият кўрсатмоқда. Улар Юртбошимиз атрофига янада мустаҳкамроқ жипслашиб ўз иш фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Ҳозирги кунда вилоятимизнинг қайси гўшасига борманг ҳаётда кўп ҳодисаларнинг гувоҳлари бўлган нуроний отахонлар-онахонлар, маҳалла оқсоқоллари, ишлаб чиқариш фаоллари ва ўқув масканларининг ўқитувчилари халқ орасида тушунтириш ишлари олиб бораётганликларининг, масаланинг асл моҳиятини баён қилаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбек халқининг жипслиги азал-азалдан маълум. Биз дунё аҳлига маълуму-машҳур Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби зукко йўлбошчилар, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий каби буюк аллома-ю фузалоларимиз борлигидан ҳамиша фахрланиб келганмиз.

Бугунги Андижонимиз қиёфасига тикиламан. Унда мунис тонглар отаётганидан мамнун ҳолда ишга отланаман.

Мен меҳнат қилаётган Андижон тиббиёт институтидаги сафдошларим ва талаба ёшларнинг қадам олишига тикиламан. Уларнинг юзида кечаги ҳуркаклик ёки ғамгин ҳолатлар ўрнини ўзига ишонч ва дадиллик эгаллаётганидан таскин топаман. Булар эртанги порлоқ кунимизнинг яратувчилари бўлишларига заррача шубҳа қилмайман. Бундай ҳолатни жонажон Андижонимизда фаолият кўрсатаётган бешта олий ўқув даргоҳларида ҳамда юзга яқин коллеж, лицейларимизда, шаҳар ва қишлоқларимиздаги мактабларда кузатиш мумкин.

Ҳукуматимиз сиёсатини талаба-ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш учун бизда фаолият кўрсатаётган барча профессор-ўқитувчилар астойдил киришганлар. Таълим масканимизда йигит-қизлар илм-фан сирларини ўрганиш билан бирга спортнинг барча турларида ҳам ўз иқтидор ва қобилиятларини намойиш қилмоқдалар. Ҳали Андижондан жаҳонни лол қолдирган Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткир Ҳайдаров, Баҳодир Султонов каби полвон ва бошқа спорт юлдузлари, олим ва ташкилотчи раҳбарлар кўплаб етишиб чиқади.

Тиббиёт илмининг даҳоси Ибн Сино номи билан аталувчи ўқув даргоҳимиз жамоаси юрт фаровонлиги йўлида ғов бўлувчи ҳар қандай ёвуз кучларга қақшатгич зарба беришга қодир, уларнинг имон-эътиқоди она-Ватан келажаги учун курашиш ғоялари билан суғорилгандир.

Андижон халқининг эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида юртнинг асл фарзандларининг фидоий ва айтиш мумкинки қаҳрамонона фаолиятига бир гуруҳ қора кучлар ҳеч қачон тўсиқ бўла олмайди.

Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис сенати сенатори

Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст

Эркин ВОҲИДОВ

— «Адолат» бизнинг севимли газетамиз. Сизнингчи? Айни пайтда газетага обуна давом этмоқда. «Адолат»нинг нашр кўрсаткичи — 100. «Адолат» доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Қуйичирчиқ тумани ғаллачилик бўйича юки залворли, оғир карвон туманлардан бири ҳисобланади. Туман меҳнат аҳли жорий йилда давлатга 25890 тонна ғалла сотиш мажбуриятини олишган эди. Масъулиятини юракдан ҳис қилган миришкорлар ўтган йил кузидаёқ белгиланган майдонларга ўз вақтида уруғ қадаб олишга муваффақ бўлдилар. Шу туфалай ҳам барча ерда ғалла бир текис ундириб олинди. Экин парвариши кузда ҳам, қишда ҳам, баҳорда юксак агротехника қоидалари асосида олиб борилганлиги туфайли ҳам ғалла мўл бўлди.

Ғалла — 2005



МАРДОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

Одатда «даладагиси эмас хирмондагиси ҳисоб», деган нақлга амал қилладиган миришкор деҳқонлар ҳосилни саранжомлаб олишга эрта ҳам, кечикиб ҳам киришиш пешона тери эвазига етиштирилган доннинг бир қисмини йўқотишга олиб келишини яхши билишади. Шу туфайли ҳам ўрим-йиғим мутахассислар ва тажрибали деҳқонлар маслаҳатига амал қилган ҳолда пухта тайёргарлик билан бошланди. Натижада биринчи кунларданоқ суръатнинг юқори бўлиши таъминланди. Айрим кунлари давлат омборларига 1,5 минг тоннадан зиёд дон топширилди.

Бугун шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, қуйичирчиқлик ғаллакорлар сўзларининг устидан чиқариш арафасидалар. Давлат қабул пунктларига режанинг 95 фоизи миқдорида сара дон етказиб берилди. Тумандаги деярли барча хўжаликлар дон сотиш бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини бажардилар.

Одатда ҳамма ерда юксак агротехника тадбирлари ва илғорлар тажрибасини қўллаш ҳисобига тармоқни ривожлантириш, ҳосилдорлик ва ялпи хирмонни юксалтиришнинг резервлари бўлади.

— «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги деҳқонларининг эришган муваффақияти хали бизда ғаллачиликни яна ҳам юқори поғонага кўтариш, тармоқни интенсив ривожлантириш билан мавжуд ерлардан янада кўпроқ дон олиш истиқболлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Биз келгусида мазкур хўжалик деҳқонларининг тажрибасини кенг ёйиш билан Қуйичирчиқ туманида етиштирилган ғалла хирмонларини янада юксалтиришни режалаштириб қўйдик, — дейди туман ҳокими Рустам Холматов.

Дарҳақиқат, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги миришкорларининг жорий йилда эришган ютуқлари тилга олса арзигулик. Хўжалик ғаллакорларининг юки оғир. Улар жорий йилда давлатга ҳаммадан кўп, яъни 3300 тонна дон топширишлари лозим эди. Шу сабабли ҳам ҳамма ерда қўтаринкилик билан меҳнат қилинди. Етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишга пухта тайёргарлик билан киришилди. Шу туфайли ҳам қисқа муддатда асосий майдонлардаги ҳосил саранжомлаб олинди. Энг асосийси нобудгарчиликка йўл қўйилмади. Натижада Ватан омборларига 25 июнь куни 3303,8 тонна ғалла топширилиб ғалаба рапортига имзо чекилди.

Хўжалик азаматлари ишининг яна бир масъулиятли томони шундаки, улар катта майдонларда ғалланинг уруғлик навини етиштирдилар. Шу сабабли уруғликнинг сифатли, сара, бўлиқ бўлиши туманда ғаллачилик тараққиётга ёрдам бериши ёки аксинча бўлиши мумкин. Буни қалбан ҳис қилган ғаллакорлар уруғлик дон етиштириладиган майдонлардаги экин парваришига алоҳида эътибор беришди. Суғориш ва озиқлантириш ўз вақтида, оби-тобида адо этилди. Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш самарали воситалар ёрдамида бажарилди. Натижа эса қувонарли бўлди. Давлат омборларига белгиланган миқдорда уруғлик ғалла топширилди. Бу келгуси йилда ҳам Ўтрачирчиқ туманида ғалладан мўл ҳосил етиштиришга замин бор демакдир.

Биз халол меҳнат қилиб, юксак хирмон уйган ўртачирчиқлик ғаллакорларни улкан ғалаба билан қутилган ҳолда, юксак хирмонларингизга монанд равишда обрў-эътиборингиз, турмуш фаровонлигингиз ҳам юксалаверсин, деймиз

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат» мухбири
Суратда: Ўзбекистон ширкат хўжалиги раиси Асқарали Омонов

ЁШ ҚУРУВЧИЛАР ЙИҒИЛИШИ

Тошкент давлат Иқтисодиёт университетида талабалар қурулиш ва ободонлаштириш отряди фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Тошкент давлат Иқтисодиёт университетида икки йилдан буён ёзги таътил даврида талабалардан иборат қурулиш ва ободонлаштириш отряди иш олиб бормоқда. Мазкур отряд университет ҳудудидаги биноларни таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган. Бу отрядлар университетнинг 1-2-3-курс талабаларидан ташкил топган.

Бу отрядни ташкил этишдан мақсад талабаларда меҳнатга бўлган иштиёқни кучайтириш, уларнинг таътил даврида бўш вақтларини иш билан банд этишдан иборат. Университет мутасаддиларининг таъкидлашича, бундай ҳаракат катта маблағни иқтисод қилишга сабаб бўлмоқда. Жами ўқув биносини таъмирлаш учун режа бўйича бу йилга сарфланадиган маблағ 78 миллионни ташкил этса, отряд меҳнати туфайли 17 миллионга тенг келмоқда.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА

«Адолат» СДП фаолиятидан

(Давоми. Боши 1-бетда)

ПАРТИЯ БИЛЕТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

«Адолат» СДП Урганч туман Кенгашининг биринчи котиби Моможон Норметова ташаббуси билан «Матбуот тарқатувчи» маъсулияти чекланган жамиятида партия фаоллари билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда Моможон Норметова сўзга чиқиб, йиғилганларга партиянинг дастуридаги вазифалари, унинг ҳозири кундаги фаоляти ва ҳукуматимиз томонидан аҳолини соғломлаштириш борасида амалга ошираётган тадбирлар тўғрисида гапириб берди.

Йиғилиш сўнгида «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ жамоасида бошланғич партия ташкилоти тузилди ва жамоа ходимларидан 15 киши «Адолат» СДП аъзолигига қабул қилиниб, уларга партия билетлари топширилди.

ЁТ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ

24 июнь куни «Адолат» СДП Хоразм вилоят Кенгаши билан Урганч шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида Урганч шаҳрининг 1-2-6-маҳалларида «Диний экстремизм-жамият тараққиётига тўсиқ» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Бу йиғилишда вилоят Кенгаши котиби Мунаввар Искандарова сўзга чиқиб, диний экстремист гуруҳларининг мустақил Ўбекистонимиз тинчлиги ва осайишталигига раҳна солаётганлиги, террорчилик ҳаракатлари оқибатида бегуноҳ одамлар қони тўкилаётганлигини қоралаб, маҳаллаларда, тинчқизлар ва ёшлар орасида тадбирлар ўтказиб, аҳдидапарастлик, терроризм ва экстремизм ғояларига қарши ташвиқот-тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш кераклигини таъкидлади.

Бу учрашувда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ва фуқароларидан 95 киши қатнашди.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ФАОЛЛАРИ ИШТИРОКИДА

25 июнь куни «Адолат» СДП Хоразм вилоят Кенгаши ташаббуси билан Гурлан туманидаги «Вазир» қишлоқ фуқаролар йиғинида «ҳалқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни»га бағишланган «Гиёҳвандлик - аср вабоси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят партия Кенгаши иккинчи котиби Нурмат Эшметов гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида гапириб, бу иллатнинг айниқса ёшлар орасида кенг тарқалганлигини ҳозирда дунёдаги 500 миллион гиёҳванддан 90 фоизи болалар ва ўсмирлар эканлигини мисол тариқасида кўрсатди. Нотиқ, ота-оналар ўз фарзандларини умри ҳазон бўлмасин десалар уларни бу дарддан ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқликлари зарурлигини, бу борада нафақат ота-она ёки шифокорлар, балки барчамиз кураш олиб бормоғимиз лозим, деб таъкидлади.

Баҳс-мунозара, савол-жавобга бой бўлган давра суҳбатида 100 га яқин қишлоқ фаоллари ва фуқаролари иштирок этдилар.

Худди шу мавзудаги давра суҳбати «Адолат» СДП Янгиариқ туман Кенгаши биринчи котиби Омонбой Жуманазаровнинг ташаббуси билан тумандаги «Чиқирчи» сувдон фойдаланиш уюшмасида ҳам бўлиб ўтди.

ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техник, билим юрти битирувчиларга диплом топшириш маросими ўтказилди.

Мазкур билим юртини бу йил беш йўналиш бўйича 250га яқин талаба битирди. Бу ерда қўриқлаш ва электрон тизимлардан фойдаланиш техник муҳандислиги, ички ишлар корхоналарида техникавий назорат ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, жазони ўташ тартибини такомиллаштириш йўналишлари бўйича кадрлар етказиб берилади.

Диплом топшириш маросимида сўзга чиққанлар, ушбу билим юртида таълим олган талабаларга бўлган ишончни оқлашларига умид билдиришди. Бакалаврлик маълумотини олган, бу битирувчилар юртимизнинг ички ишлар идораларида ўз хизмат бурчларини ўташлари мумкин.

Бугуннинг гапи

ЭРКИН ЖАМИЯТГА ЭРКИН ТАДБИРКОР КЕРАК

ёки ислоҳотларни янги ривожланиш босқичига олиб чиқадиган муҳим ҳуқуқий омиллар хусусида

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, маъмурий бошқарувдан ҳоли, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш баробарида қонунларга таянадиган эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида янги, муҳим қадамлар қўйилди. Мамлакат Президентининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, хусусан, кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятини кучайтириш ҳамда соҳани зарарли расмиятчиликлардан, қоғозбозликлардан халос этиб молиявий соғломлаштиришга хизмат қиладиган фармонларни бу борадаги изчил сиёсатнинг амалий исботи бўлди.

Худди шундай сиёсат ислоҳотларнинг бугунги жараёнида бениҳоя зарур эди. Чунки жамиятни модернизациялаш ва ислоҳ этиш аввало иқтисодиётни эркинлаштириш, бошқарувни демократлаштириш билан бевосита боғлиқдир. Бу борадаги талайгина маъмурий, бюрократик илгаклардан халос бўлиш эса тадбиркорга қадамини кенгроқ олишга, ислоҳотлар натижасига ишонган ҳолда Ватан ва миллат равнақи йўлида янада самарали меҳнат қилишга ундайди. Зотан энди у ташаббус билан ислоҳотлар майдонига чиқишдан, фойда кўришдан ёки аксинча хато қилиб қўйишдан сира чўчимайди. Чунки ҳар қандай ҳолатда энди ҳокимлар бошқарувчилар, назоратчи, тафтишчилар унинг бошига жазо калтагини кўтариб келишолмайди. Тадбиркорнинг ҳақ-ноҳақлигини фақатгина одил суд белгилайди.

— Ушбу мактубни сизларга бир умр тўшакда михланиб қолган ногирон алам ва изтироб билан ёзаяпти, — дейди Самарқанд шаҳрининг Саратепа мавзеида яшовчи Муҳсин Шукуров. — Ўзим сингари ногиронларга ёрдамлашиш мақсадида тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи эдим. Лекин ниятимни амалга оширишимга имкон бермай, мени суньий касодга учратишди, борбудимни талаб кетишди. Банк, суғурта ва прокуратура идораларининг ўзбошимчаликлари туфайли не азоблар билан очган корхонам барбод бўлди...

Дарвоқе, журналистлик фаолиятим давомида бундай воқеалар ҳақида кўп маротаба ёзишимга тўғри келган. Лекин ўзим 1-гуруҳ ногирони бўлгани ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиб "Қадрият" ишлаб чиқариш корхонаси очган ва бўрдоқичилик билан машғул бўлган кишининг ҳавас, шижоати мени ҳайратга солди. Муҳсин Шукуров тадбиркорлик орқасидан яхшигина даромад топиши, оиласини қийналмай боқиши ва ҳатто чет элдаги нуфузли корхоналарда даволаниб, соғлигини тиклаб олиши мумкин эди. Бироқ мутассадди идораларнинг ҳовлиқмалиги, расмиятчилиги ва санамай саккиз дейиши унга панд берди. Аввал унга ажратилган кредитни "Тадбиркорбанк"нинг Самарқанд вилоят бўлимида "қайчилаб" қолишди. Сўнгра кредит кечикиб ажратилгани учун ем олинмай қолди. Маблағ етишмаслигидан қорамоллар сақланадиган фирма томи ёпилмай қишнинг совуғи бошланди. Тадбиркорнинг ёрдам сўраб мурожаат қилмаган ташкилоти қолмади. Лекин...

Самарқанддаги яна бир корхона-қурилиш ашёлари ишлаб чиқарадиган "Суҳроб — Нигина" фирмаси эса солиқчиларнинг ўзбошимчалигидан азият чеккан бўлишига қарамай ҳамон ўз ҳуқуқини тиклолмай овора. Солиқчилар фирма фаолиятини текширишда ноқонуний иш тутишган. Ноқонуний молиявий жарима қўллашган. Фирма раҳбарининг солиқ идорасига шу хусусда йўллаган аризасига эса "камчиликлар бартараф этилади", деган жавобдан нари ўтилмаяпти.

Демак, юқоридаги ҳар иккала ҳолатда ҳам тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш, уни суньий касодга учратиш, беҳудага жазоланиши, молиявий жаримага тортилишидан халос этиш сув ва ҳаводек зарур. Шу боис Президентимизнинг этиб келаётган эди. Энди эса ғайриқонуний аралашувларга чек қўйиладиган бўлди. Чунки тадбиркорларга нисбатан ноқонуний текшириш ва бошқа таъсир чораларини қўллаган мансабдорлар ва масъул шахслар жиноий жавобгарликка тортишишлари Фармонда аниқ кўрсатиб қўйилган.

— Фармондан текширишлар мутлоқо таъқиқланиб қўйилади, деган фикр келиб чиқмаслиги керак, — дейди вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Алишер Мардиев. — Бироқ ҳаммаси қонун доирасида амалга ошгани маъқул. Хусусан давлат органларининг ноқонуний қорорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) натижасида тадбиркорлик субъектига зарар етказиш унинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда яна бевосита ана шу давлат органлари томонидан уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади. Бундан ташқари зарарнинг ўрни суд қарори билан мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундирилиши ҳам мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президент Фармонлари матбуотда эълон қилингандан сўнг вилоят солиқ идораси раҳбарияти тадбиркорлар ва журналистлар билан очиқ учрашувлар ўтказди. Бу мулоқотда кўпроқ тадбиркорларнинг манфаатларини ёқлаш ва бу борада матбуотнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳақида сўз борди. Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида ягона солиқ тўлови жорий этилгани, унинг аҳамияти ва имтиёзлари хусусида тушунтириш берилди.

Қисқаси тадбиркорлик йўлидага яшил чироқлар янада қўпайди. Энди Ўзбекистон бозорида бизнес юритиш, ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқчи бўлган маҳаллий тадбиркорлар ҳам хорижий сармоядорлар учун ҳеч қандай шубҳа-гумонларга ўрин йўқ. Аксинча қонун кафолати, Президент кафолати бор! Фақат юрт фаровонлиги, иқтисодий юксалишлар учун қўлни-қўлга бериб ишлаш қолди, халос. Зотан, эркин жамиятга эркин тадбиркорлар керак. Шундай муҳит, шундай муносабат бизни кўзлаган манзилларга олиб чиқиши муқаррар!

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири

УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР АМАЛДА

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига асосан жойларда мактабларнинг моддий техника базасини ривожлантириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Дастурга асосан бу йил Андижон вилоятида иккита мактаб янгидан қурилиб 75та мактабда капитал реконструкция ҳамда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши лозим. Таъмирталаб мактабларнинг асосий қисми олис қишлоқларда жойлашган бўлиб, ғоятда эскирган. Ҳозирда вилоятда ишлаб чиқилган махсус дастур асосида ушбу иншоотлар пухта ишланган лойиҳалар асосида қайта барпо этиляпти. Пахтаобод туманидаги 3-мактабни капитал таъмирлаш ишлари учун давлат бюджети ҳисобидан 56 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада мактабнинг биноси замонавий қиёфага эга бўлди. Бундай мисолларни Қўриқ, Улуғнор ва Бўз туманида амалга оширлаётган ишлардан ҳам кузатиш мумкин.

Минглаб ўқувчилар янги ўқув йилини қайта таъмирланган кўркам биноларда кутиб олишади. Олтинкўл туманидаги Қўштепасарой қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 29-мактаб олтмишинчи йилларда қурилган бўлиб, қишлоқ болаларини ўқиши учун етарли шароитларга эга эмас эди. Мактаб капитал таъмирлаш дастурига киритилгач, ўқувчиларнинг тўлақонли билим олишилари учун етарли шароитлар яратилди. Буни мактабнинг очилиш маросимига келган унинг собиқ ўқувчилари, ота-оналар ва фахрийлар ҳам алоҳида эътироф этишди.

Партия ҳаёти

МАҚСАД ЖАНГАВОРЛИКНИ ОШИРИШ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Андижон вилоят Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда партиянинг вилоятдаги ташкилоти фаолиятини кучайтириш, жангаворлигини оширишга доир ташкилий масалалар кўрилди.

Пленумни вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор М.Хўжамбердиев олиб борди. Кенгаш котиблари Х.Нўъмонов, К.Аҳмаджонов, К.Турдиалиев ва бошқалар Андижон воқеаларидан кейинги вазият ва партия аъзоларини маҳаллалар, ташкилотлар, ўқув муассасаларида олиб боришаётган тушунтириш ишлари ҳақида гапириб, уларнинг таъсирчанлигини оширишга йиғилганларнинг эътиборини қаратдилар. Вилоят партия Кенгашининг штат жадвали белгиланганлиги муносабати билан унга яъни кишиларни бириктириш, партияга муносиб аъзоларни қабул қилиш ва уларга партия билетларини тантанали равишда топириш каби муҳим масалалар ҳам пленум қатнашчиларининг диққат эътиборида бўлди. Шунингдек, пленумда партиянинг вилоятдаги бир қатор Кенгашларига янги, ғайратли ва ишончли мутахассислар раҳбарлик қилаётганлигидан қониқиш ҳосил қилинди.

— Партиянинг Андижон туманидаги Кенгашида биринчи котиб бўлиб ишлаётганимга кўп бўлгани йўқ, — дейди биз билан суҳбатда тумандаги "Андижон тонги" газетаси муҳаррири А.Назаров. — Очиғи партия ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган экан. Ишни партияга муносиб номзодларни қабул қилиш, бошланғич партия ташкилотлари тузиш ва уларнинг фаолиятини кучайтиришдан бошладик. Эндиликда Кенгашимиз сафида 70 нафар партия аъзоси мавжуд. Қўлимда партиямиз сафига ўтмоқчи бўлганлардан тушган яна бир нечта ариза ҳам бор.

"Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг саъй-ҳаракатлари билан вилоят партия Кенгашининг штат жадвали жорий этилиб, маблағ билан таъминлашини айни муддао бўлди. Бу партиямиз ишини янада жонлантиришга олиб келди.

Тўлқин СИДДИҚ,
"Адолат" мухбири

ЧИНОЗДА БИРИНЧИ КОТИБ ЎЗГАРДИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Чиноз туман ташкилотининг 2004 йилда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида туман котиби 27-сонли ўрта мактаб директори Ўсмонжон Мираҳмедовга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон "Адолат" СДП туман Кенгашининг биринчи котиби этиб сайлаган эдилар.

Ў.Мираҳмедов ўшанда ўз партиядошлари қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, қўплаб ваъдалар берган эди. Хусусан у туман партия ташкилотининг яқин келажакда вилоятдаги намунали партия ташкилотларидан бирига айлантираман, бунинг учун бор кучимни, билимимни аямайман, деган эди.

Минг афсуслар бўлсинки шу ўтган давр мобайнида туманда ҳеч қандай иш қилинмаганди. Боз устига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига биронта ҳам номзод кўрсатилмади.

Чиноз туман партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари пленумида ташкилий масала кўрилиб ана шулар ҳақида гапирилди.

Ўсмонжон Мираҳмедов ишдаги йўл қўйган камчиликлари учун туман партия Кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод этилди.

Табиатни муҳофаза қилиш Чиноз туман қўмитасида Давлат нозири бўлиб ишлаб келаётган Насиба Аҳмедова бир овоздан Ўзбекистон "Адолат" СДП Чиноз туман Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда қатнашган Чиноз тумани ҳокими Турсунбой Камолов янги сайланган биринчи котибни самимий табриклаб, туман партия Кенгаш раҳбари этиб аёл кишининг сайланиши бу давлатимиз томонидан аёллармизнинг жамиятда тутган ўрнини оширишга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Ўйлаймизки тумандаги мавжуд муаммоларни, айниқса аёллар муаммосини адолатли ҳал қилишда Насибахон Аҳмедова бор кучини, билимини ва ташкилотчилик қобилиятини сафарбар этади, дея умид билдирди.

Шунингдек пленумда туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Одилхон Исаҳонов, Тошкент вилоят партия кенгаши ташкилий бўлимининг мудири Баҳриддин Раҳматов ва бошқалар янги биринчи котибни қутлаб сиёсат майдонида ўзининг ташкилотчилиқ қобилятини намойиш қилишни таъкидлади.

Пленумда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоси, Тошкент вилоят партия Кенгаши котиби Маҳмуд Мўйдинов қатнашиб, сўзга чиқди.

Пленумда кўрилган масала юзасида тегишли қарор қабул қилинди.

Б.РАҲМАТОВ

ҚАЛЛОБЛИК

ёки уни кўриб кўрмаганга олаётганлар хусусида

Ҳурматли газетхон, сув илондек беозор кўринган, аммо айёрликда тулкига дарс бера оладиган, фирибгарликда кўзбўямачини лол қолдира оладиган, Андижон шаҳри, Бувасиддин кўчасининг 91-хонадонида истиқомат қилувчи Араббой Усмонов қилмишларидан сизни огоҳ қилишни ўз бурчимиз деб билдик.

Ушбу ишбилармон мени авраб, кафолатим билан 2000 йил 14 августда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус туманида Ўзбекистон — Россия — Литванинг "Персей" номли қўшма корхонасини очади. Ушбу қўшма корхона фаолиятида Ўзбекистон Республикасидан — "Анқор" фирмаси, Россиядан — "Славияне" ёпиқ ҳиссадорлик жамияти, Литвадан — "Интермедиана" ЁХЖ иштирок этади. Ишни ташкил этишга "Славияне" менинг кафолатим билан ўз устав фонди ҳисобидан 42500 АҚШ доллари ҳисобида инвестиция киритди. Инвестиция маблағининг бир қисмига "Персей" қўшма корхонаси пилладан шойи ип олди цехи ва ишлашдан тўхтаган Оқмангит қишлоғидаги болалар боғчасини сотиб олади.

"Славияне" "Персей" қўшма корхонасига савдо-сотиқни йўлга қўйишни таклиф этади. А.Усмонов 2001 йил ноябрда "Славияне"га томат паста таклиф қилади, паста сифати пастлиги учун қабул қилинмайди. Аммо томатни А.Усмонов сохта ҳужжатлар билан воситачи Ислом Тожибоев, орқали москвалик тадбиркор Акбарқул Назаровнинг 9500 АҚШ долларини олиб, Хропунова станцияга жўнатишади. Сифатсиз молни кўрган воситачи уни шу ерда қолдириб Тошкентга қочади, юк ортувчи ташкилот ходимлари сифатсиз мол орқасидан бормайди, томат ишлаб чиқарган ташкилотни судга ҳам бермайди. Кейинроқ, А.Назаров ва И.Тожибоевдан томат пастани қалбаки ҳужжатлар билан жўнатган хусусий корхона "Персей" собиқ бухгалтери Байрамбек Алимбетов эканлиги аниқланади.

Араббой Усмоновга ноқонуний ишлар билан шуғулланаётганлиги ваъдаларини бажармаётгани учун 2002 йилда "Славияне"га инвестиция пулларини қайтариш тавсия этилади. Усмонов эса "Славияне" олдидаги қарзларини 2003 йил давомида ишлаб чиқарилган шойи ипни пуллаш ва қишлоқ хўжалик молларини "Славияне"га жўнатиш йўли билан тўлашга рухсат сўрайди. Розилик берилади. Араббой Усмонов тадбиркор, Ўзбекистон бизнес фондининг собиқ раҳбари ҳозирда "Голден Спорт" қўшма корхона раҳбари Алижон Юсупов билан "Славияне"га фасол жўнатадиган бўладилар. А.Усмонов тўловларни олиб боришни, А.Юсупов ҳамда Лутфулла Файзиев қишлоқ хўжалик молларини "Славияне"га жўнатишни ўз зиммаларига оладилар. А.Усмонов, А.Юсупов, Л.Файзиев 2004 йил Москвага 60 тонна юк жўнатилгани тўғрисидаги қалбаки ҳужжатларни "Славияне"га юбордилар. Ваъда бажарилмайди. Араббой Усмонов 2004 йил сентябрь ойида Нукус тумани собиқ ҳокими Бахт Миртозаев ёрдами билан топилади ва Қорақалпоғистон Республикаси яъни, "Славияне" учун масъул бўлган шахс Миллий банк ҳуқуқшуноси Шапий Аблуллаевнинг айтишича қуйидагилар аниқланди:

Маълум бўлишича, Байрам Алимбетов 40 миллион сўмлик банк кредитини қайтармаган. Бунинг учун жиноий иш очилган. Кредит учун "Персей" мулки ноқонуний кафолатга қўйилган. Мен, томонимдан А.Усмоновдан нотариус орқали "Славияне" учун зарур бўлган: мажбурият, ишонч қоғози, тилхатларга имзо чекилади. 2004 йилнинг 7 октябридан А.Усмоновдан нотариал идора орқали "Анкор" "Персей" ва улар аралашган фирмалар номидан ва шахсан ўз номимдан иш олиб бориш, қўл қўйиш, муҳр босишни тақиқловчи мажбурият олинди ва унинг қўлидан "Персей" ва "Анкор — Бустош" муҳрлари аудиторлик текширувлари ўтказгунга қадар олиб қўйилди. Ҳужжатлар нусхалари "Славияне" номидан 2004 йил 18 октябрда ҚҚР прокуратурасига, ҚҚР Миллий банкига, ҚҚР давлат биржасига ариза ва норозилик сифатида топширилди. Аммо ҳозирги кунга қадар жавоб олингани йўқ.

Сўнгра А.Усмонов тўғрисида қуйидагилар равшан бўлди: А.Усмонов "Персей" қўшма корхонасига ўз фирмаси "Анкор" номидан устав фонди қўймаган. Ишлатилаётган маблағлар инвестиция пуллари ҳисобидан бўлган "Персей" мулки ҳисобидан "Анкор— Бустош" қўшма корхонаси ноқонуний очилди. Улар Туркия фуқароларини алдаб 36000 АҚШ долларига чув туширишган. А.Усмонов Б.Алимбетов ва ҚҚР МБнинг айрим хизматчилари билан келишиб қалбаки ҳужжатлар асосида икки маротаба давлат кредити олишди, ўзлаштиришди ва қайтаришмади. Сифатсиз томат паста учун аванс пулини олиб, савдо-сотиқ ҳужжатлари сохталаштиришган пул эса эгасига қайтарилмаган. Хўжайли пилла ширкатининг 2864000 сўм, цех ишчиларининг 2 миллион 300 минг сўм иш ҳақлари суъистемол қилинган.

2005 йил февраль ойида ҚҚРнинг Нукус туманида Б.Алимбетов устидан "Персей" таъсисчиларидан яширин, ёлғон гувоҳлар асосида сохталаштирилган суд ўтказилди. Судга "Персей" таъсисчилари чақирилмади, жабрланган тадбиркор А.Назаров чақирилмади. Б.Алимбетов ва А.Усмонов Қорақалпоғистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан судга тавсия этилган ҳужжатлар қонунийлиги ёки қалбакилиги текширилмади. Суддан сўнг ҚҚР Адлия вазирлиги инвеститор "Славияне" ёпиқ ҳиссадорлик жамиятини ўз ҳимоясига олди. "Славияне"нинг ишончли вакили, яъни мен ҚҚР хўжалик судининг биринчи инстанциясида қатнашдим. Хўжалик судининг биринчи инстанцияси А.Усмонов Б.Алимбетов ва ҚҚР МБ орасидаги гаровга қўйиш шартномасини бекор қилди. А.Усмоновга ЎзЖК 209-моддаси билан жиноий иш очилишини прокуратурага тавсия этди. 2005 йил 25 апрель ойида Қорақалпоғистон Республикаси Олий хўжалик суди "Славияне" мулкини Марказий банкдан қайтариш учун ижро варақасини топширди. Варақа Нукус шаҳар ижро департаментидан рўйхатдан ўтказилди. Аммо кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Марказий банки томонидан 2005 йилнинг 22 апрелида хўжалик судига хат жўнатилгани аниқланди. Ҳужжатлар аппелация суд томонидан қабул қилинди. Шуниси ажабланарлики, жиноий суд ҳайтида 2002 йил 21 февралда очилган Б.Алимбетов корхонасини бир йил кечиктирилган сана яъни 2003 йилнинг 21 февралида очилган деб қайд қилинган. Ҳужжатлар асосида Алимбетов шахсий корхонаси томат пастани Москвага жўнатиш учун 40 миллион сўмлик кредитни 2003 йил февраль ойида олганлиги таъкидланади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, юк ҳужжатларига асосан, қандай қилиб томат, москвалик истеъмолчига бир йил олдин бориб қолганлиги таажжубланарли. Хуллас, хулоса шуки, ноҳақлик, қонунбузарлик юз бергани хусусида фактлар кўпу уни ойдинлаштирадиганлар ишида адолат йўқ. Ўйлайманки, Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлиги учун дадил, амалий ишлар қилинмоқда. Шундай экан, мен кўтарган ушбу масала ҳам ўзининг ҳалол якунини топади.

Турсунбой ЗУХРИДДИНОВ,
"Славияне" фирмасининг Ўзбекистондаги ишончли вакили

ҒОЛИБ ЖАМОА АНИҚЛАНДИ

Авиасозлар Маданият саройида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказилиб келинадиган "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг финал босқичи ўтказилди.

Финалда саралаш босқич ўйинларида мувоффақиятли ўтган 6та олий ўқув юрти жамоалари иштирок этишди.

Жамоалар ўз чиқишларида талабалик давридаги қизиқ воқеалар, талабаларни қийнаётган муаммоларни саҳна кўринишлари орқали намойиш этишди.

Якуний натижаларга кўра, Қорақалпоғистон давлат университети жамоаси танлов ғолиби деб топилди. Маълумки, бугунги кунда юртимизда интелектуал салоҳиятга эга, санъатга ошно талабалар кўплаб топилади. Мазкур танлов ҳам ана шундай талабаларни излаб топиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

Азиз ДЎСТБОЕВ

Зомин туманидаги Даштобод дон қабул қилиш шахобчасининг катта лаборанти Мусаллам Ражабова (суратда) шогирди Олтиной Давкарова билан қабул қилинаётган ғаллани пухта кўрикдан ўтказмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

УЛУҒ АЛЛОМАЛАР АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА

Фуқаролик жамияти унсурларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган энг машҳур юнон мутафаккири Сократдир (эр.ил.469-399 йй.). Ахлоқий фалсафага асос солиниши унинг номи билан боғликдир. Манбаларда ёзилишича, Сократни фалсафага қизиқишига Аполлоннинг Дельфиядаги ибодатхонаси деворига битилган «Ўзингни ўзинг англа» сўз сабаб бўлган, деган фикрлар мавжуд. Бу сўз етти юнон донишмандидан бири - спартаслик Хилонга тегишли эди.

Сократнинг фикрича, қонунларсиз полис ҳаётини ахлоқий ташкил этиш мумкин эмас, шунингдек, полисдан ташқарида қонунлар бўлмайди; қонунларнинг ўзи полиснинг пойдевори. Сократ ўз табиатига биноан адолатли бўлган қонунлар ҳукмрон бўлган давлат-полиснинг ашаддий тарафдори сифатида танилди.

Сократ ахлоқий фалсафасининг асосий принципига биноан билимли одамларгина қонун чиқариш ва бошқарув билан шуғулланишлари лозим. Унинг фикрича, «халқ иродаси ва давлат қонунларига асосланувчи ҳокимият подшолиқдир, халқ иродасига қарши, қонунларга эмас, балки, ҳукмдорнинг ўзбошимчалигига асосланган ҳокимият тираниядир. Агар идора этиш қонунларни ижросини таъминловчилар томонидан амалга оширилса, бу аристократиядир; агар идора этиш бойликдан келиб чиқса, унда плутократия, халқ оммаси иродасидан келиб чиқса демократия дейилади».

Платоннинг «Критон» асаридан келиб чиқилса, Сократ Европа сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихида биринчи марта давлат билан унинг аъзолари (фуқаролари) ўртасида шартномавий муносабатлар бўлиши лозимлиги масаласини кўтарган мутафаккирдир. Сократнинг ўзига хос ривожланиб борган патерналистик қарашларига мувофиқ фуқаро ва давлатнинг шартномавий алоқалари, Ватан ва Қонунлар ота ва онадан юксакликка қўйилган; худди ана шулар фуқаролар учун олий мақомли ота-она, тарбиячи ва ҳокимдир. Унинг фикрича, ҳар қандай афиналик давлатни тартиб қоидалари унга ёқмаса, балоғат ёшига етганидан кейин қонунларга мувофиқ ҳеч қандай тўсиқларсиз ўзининг барча мол-мулки билан уни ташлаб чиқиб кетиши мумкин, ҳоқлаган жойига – шу давлатнинг мустамлакасига, ёки бошқа бирон-бир давлатга бориб яшаши мумкин. Фуқароликка қабул қилиш қам ихтиёрийдир. Шунинг учун ҳам полисда унинг аъзоси сифатида яшаётган фуқаролар давлат ва унинг органлари амр-фармонларини бажаришга розилик билдирадилар. Давлат фуқаросига қуйидагилардан бирини танлаш ҳуқуқи берилади: қонуний полис органлари ва мансабдор шахсларнинг адолатсиз қарорлари ва тадбирларини ишонтириш ва бошқа ҳуқуқий куч ишлатилмайдиган воситалар билан бажармаслиги, ёки уларни бажариши мумкин. Сократ оқилона ва адолатли қонунлар ҳукмронлиги билан сиёсий эркинлик имкониятини бир-бирига боғлайди. У полис олдидаги индивиднинг бурчлари ҳақида сўзлар экан, бунда оқилона ва адолатли тарзда тартибга солинган полисдаги эркин ва ўзаро тенг фуқароларнинг қонунлаштирилган бурчларини назарда тутади. Унинг фикрича, мана шу йўлдаги эркинлик - «инсон учун ҳам, давлат учун ҳам ажойиб ва улуғвор бойликдир». Албатта, Сократ томонидан илгари сурилган ғоялар ва унинг таълимоти фуқаролик жамияти унсурларини шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Фуқаролик жамияти унсурларини шаклланишига катта ҳисса қўшган мутафаккирлардан яна бири, Сократнинг энг яқин шогирди - Платондир (эр.ил.427-347 йй.). Платоннинг давлат қурилиши, сиёсий муносабатларга доир изланишлари ва таълимоти унинг «Давлат», «Критий» ва «Қонунлар» номли асарларида мукаммал равишда ифодаланган. Лекин, антик даврда жамият билан давлат ўртасидаги фарқланишлар ҳали унчалик кескинлашмаганлиги учун бу асарларда қисман жамият ва фуқароларга доир илмий изланишлари ҳам қузатиш мумкин. Масалан, у «Давлат» асарида полисни умумий эҳтиёжларга мослашган биргаликдаги яшаш бирлиги сифатида аниқлаб, бу эҳтиёжларни қондиришни энг яхши йўли сифатида давлат фуқаролари ўртасида меҳнат тақсимотини амалга оширишни илгари суради.

Платоннинг фуқаролик жамияти унсурларига доир қарашлари кўпроқ унинг «Қонунлар» асарида учрайди. Унинг «давлати» тепасида кўп поғонали сайловлар йўли билан сайланган 37 та идора этувчи туради. Уларни сайлашда барча фуқаролар иштирок этмайди. Фақат қуролга эга ёки урушларда иштирок этган фуқароларгина сайлов ҳуқуқларига эга бўлади. Идора этувчиларнинг ёшлари 50 билан 70 ёшни ўртасида бўлиши кўзда тутилади. Ҳокимият тепасида фақат 20 йил туриш мумкин. Идора этувчиларнинг ваколатлари кенг бўлиб, аввало, улар «қонун» қўриқчиларидир. Ҳокимиятнинг аҳамиятли бир қисми сайланадиган ва 360 аъзодан иборат (ҳар бир ижтимоий синфдан 90 тадан) Кенгашга тегишлидир. Биринчи ва иккинчи синфга мансуб фуқаролар халқ мажлисида иштирок этиши мажбуран қилиб белгиланади. Учинчи ва тўртинчи синфга мансуб фуқароларнинг бу мажлисда иштирок этиши шарт эмас. Юқорида келтирилган давлатнинг олий органларидан ташқари Платон яна бир аъзо тузишни таклиф этади. Бу аъзо ўз моҳиятига биноан давлат устида турувчи махсус орган бўлиб, у «Тунгги йиғин» деб аталади ва у 10 та энг донишманд ва кекса арбоблардан иборат бўлиб, уларга давлат тақдири топширилади.

Платон ўз «Қонунлар» асарида икки хил давлат тузумини бир-бирига қиёслайди: «Мен ҳалокатга яқин давлатни шундай кўраманки, қайсики у ерда қонун кучга эга бўлмайди, ва у кимнингдир ҳокимияти остида бўлади. Агар қайси ерда қонун ҳукмдорлар устидан ҳукмрон бўлса, улар эса унинг қуллари бўлса, мен давлатни қутқаришни, барча фаровонликларни кўраман. Бу каби давлат фақат худолар тортиқ қилиши мумкин».

Баъзи адабиётларда Платонни демократияга мутлақо қарши олим сифатида талқин этилади. Лекин, унинг асарларини синчиклаб ўрганилса, у ўз давридаги объектив реалликдан келиб чиқиб ижод этганлигини гувоҳи бўламиз. Шу билан бирга, у демократияни ҳам ўзига муносиб равишда таҳлил этганлигини тан олиш лозим. Жумладан, Платон «Қонунлар» асарида шундай деб ёзган эди: «Давлат қурилишининг гўё онадек икки тури бор, ҳуқуқан айтиш мумкинки, улардан қолганлари туғилганлар. Улардан биринчиси деб мутлақ ҳукмдорликни ва демократияни иккинчиси деб кўрсатса тўғри бўлади. Мутлақ ҳукмдорлик (монархия) форсларда олий ривожга етиб борди, демократия бизда. Давлат қурилишининг барча қолган турлари, айтиб ўтганимдек, шу иккисининг рангин, омухта бирлашишидан иборатдир. Озодлик ва дўстлик онглилик билан қўшилган қолда (биргаликда) мавжуд бўлмоғи (яшаши) учун албатта ҳам у, қамда бу турга тааллуқли бўлиши зарур. Уларга тааллуқли бўлмаган давлат яхши тартибот (қурилиш)га эга бўлмайди, деб тасдиқ этувчи бизнинг мулоҳазаларимиз шуни талаб этади».

Албатта, Платоннинг асл мақсади давлат ва ҳукмдорларни қонунларга бўйсундириш ва шу йўл билан давлатни жамиятга ҳамда фуқароларга хизмат қилдириш бўлганлигини тушуниш унча қийин эмас. Шунингдек, Платон фикрича, фақат қонунларга амал қилган давлат ва жамият барқарор бўлиши мумкин, шу жамиятда фаровонликка ва тинчликка эришиш имкониятлари туғилади. Платоннинг бу таклифлари давлатни қонунга бўйсундириш воситасида фуқаролар жамиятини шакллантириш сари бўлган интилиш эди.

Шунингдек, Платон, адолатли жамиятни барқарор яшаши учун энг муҳим бўлган, фуқаролик жамиятининг асосий унсурларидла бири эркинлик қадрияти аҳамиятини юксакликка кўтаради. Бу жиҳатдан у худди ҳозирги давр мутафаккирларидан ҳам теранроқ тарзда инсон эркинлигининг конкрет фойдаларини барча учун тушунарли қолатда талқин этади: «Форслар Кир даврида қуллик ва озодлик (эрк) орасидаги ўрта ҳолда турганлар ва аввал ўзлари эркин-озод, сўнгра эса – кўпгина бошқалар устидан хожа бўлиб оладилар. Аммо ҳукмрон бўла туриб улар қўл остидагиларга (тобеларга) эрк улушларини ажратардилар ва уларга ўз тенгларидай муомалада бўлардилар, шундан, жангчилар қўмондонлар билан қалин дўст эдилар ва хавф-хатарга қарши камоли ҳоқиш билан борар эдилар. Агар кимдир оқил бўлса ва маслаҳат бера олса, подшоҳ ҳасад қилмасди, аммо фикрини очиқ айтишига имкон берарди ва масалаҳатгўй бўлиши мумкин бўлганларни қадрларди, у уларга ўзларининг оқил (онгли) эканликларини кўпчилик халқ олдида намоён этишга имкон берарди, шунинг учун ўша пайтларда форслар қамма нарсага муваффақ бўлганлар – озодлик (эрк), дўстлик ва фикр алмашишлар орқали».

Платон давлатнинг адолатли жамиятнинг яшаши учун таҳдид туғдирадиган муаммолари ечимини топишга ҳам муҳим аҳамият берди. У давлат мансабдорлари юрагидан иккита қудбинлик илдизларини юлиб ташлашни таклиф этган эди: мулкка бўлган муҳаббат, оилага муҳаббат. Шунинг учун ҳам у давлатни ота-она ва оиладан-да юқори туришини тарғиб қилган эди. Давлат ҳокимияти фаолиятини кенг халқ оммаси томонидан назорат қилиш учун имкон бўлмаган ўша замонларда бу каби муносабат ҳаётий зарурият эди.

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ

Қинғир иш — келтирар ташвиш

АВИАЧИПТА ПУЛЛАРИ ҚАЁҚҚА ҒОЙИБ БЎЛДИ?

ёки даромадни яшириб, сохта ҳужжатлар, ноқонуний йўллар билан бойлик орттирмоқчи бўлганлар ҳақида

Тўғрисини айтганда, орамизда солиқнинг аҳамиятини тушунмасдан уни тўлашни пайсалга солаётган ёки даромадини яшириб тўловлардан бўйин товламоқчи бўлганлар учраб турибди. Бундайларга қарши қонуний чоралар кўрилаётир. Жумладан, Чилонзор туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан солиқ соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш ҳамда давлатга етказилган зарарни тўлиқ ундириш, шунингдек, яширин иқтисодиётни бартараф этишга қаратилган изчил тадбирлар ўтказиляпти.

«TREVOL-OMEGA» масъулияти чекланган жамият раҳбари Н.Третьяковни таниш-билишлари тадбиркор сифатида билишарди. Унинг юриш-туриши, гап-сўзига қараб ҳавас қилганлар ҳам бўлди. «Аравасини судраб юрибдими, омадини берсин», деган гаплар айтилди Н.Третьяков шаънига. Бироқ «фирмачи» ичимдагини топ, дейдиганлар хилидан экан. У солиқ идорасига ҳисобот топширишни «унутгани» етмагандай, авиа чипталардан келиб тушган 80,7 миллион сўмни инкассация қилмаган. Бунча пулни Н.Третьяков осмонга учирганми ёки чўнтагига урганми ҳаммасига аниқлик киритилади. Негаки, унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

«GRAND LIEBHER» МЧЖ раҳбари Р.Содиқов ҳам юлдузни бенарвон урадиганлардан чиқиб қолди. У солиқ инспекциясига ҳисобот топширганида ялпи тушумни 1293,2 миллион сўмга яширганида «бопладим-а», дея калта ўйлаган. Кўп ўтмай Р.Содиқовнинг кирдикорлари фош бўлди. Минг тавба-тазарру қилгани билан унинг қилмишига қонуний баҳо берилади.

Даромадни яшириб, солиқдан бўйин товлаганлар бир кун олдин, бир кун кеч деганларидай қинғир ишлари учун жазоларини оладилар. «QOARDOSOBR» МЧЖ раҳбари Р.Маҳмудов амалдаги тартиб-қоидага риоя қилиб иш юритганида ўзига ғавғо сотиб олмасди. У ялпи тушумни 777,6 миллион сўмга қасддан яширган. Текширишда ҳужжатлар барча «операция»ларни ошкор этди. «EPSILOH SLK» раҳбари Л.Сазанова тадбиркорлар учун яратилган қулай имкониятлардан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланганми маълум бўлди. Бу «опахон» томонидан авиа чипталар учун ўтказилган 106,9 миллион сўм осмонга учганми, ерга кирганми корхонанинг ҳисоб-рақамига келиб тушмаган. Унга нисбатан жиноий иш очилди. Энди Л.Сазанова шунча пулнинг қаёққа ғойиб бўлганлигини тушунтириб беради.

Туманда жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида солиққа чап бериб, ноқонуний фаолият кўрсатган, савдо қоидаларини қўпол тарзда бузганларга нисбатан 65 та жиноят иш қўзғатилди. 52 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Инсон яхши яшаши учун елиб-югуриб меҳнат қилади. Оромидан кечиб ҳаловат билмайди. Орамизда меҳнатсевар, уддабурон кишилар кўп. Улар давлат олдидаги бурчларини бажариб ўзлари ҳам тузукгина даромад қилишмоқда. Аммо ўзини тадбиркор, ишбилармон ниқоби остида кўрсатиб турли «ўйинлар» қилаётганлар ҳам бор. Уларнинг эртами-кечми «қопқон»га тушиши аниқ.

Ҳусан АҲМЕДОВ,
Чилонзор туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

Таклиф

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ КАСАБА УЮШМАСИ ЗУРУРМИ?

Аслини олганда "тўртинчи ҳокимият" ҳисобланган қалами толмас мустақил ва эркин журналистларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қиладиган касаба уюшмаси зарурлигини ҳозирги туб бурилиш даври талаб қилганлигини қайд қиламиз.

Шу йил Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида президентимиз Ислом Каримов жамият тараққиётининг асосий устивор йўналишлари ҳақида қимматли йўл йўриқлар ва кўрсатмалар берди. Буни биз суд ҳуқуқ тартиботи ва унинг янада такомиллаштириш жараёнларида, демократик жамиятни янада чуқур ривожлантириш, унинг янги модернизация асосида эркин тараққий қилиши, бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос ва мос тамойиллари, айниқса кичик фермерлар, хусусий тадбиркорлар фаолиятини эркинлаштириш лозимлиги қайд қилинди. Бу Йўлбошчимизнинг куни кеча қабул қилган фармонларида яққол акс этди. Чунончи, тадбиркорлар фаолиятини эркинлаштириш унинг ҳуқуқий кафолатини таъминлаш микрофермерлар ишини янада замон талаблари асосида қайта қуриш кабилар ўзининг адолатли ечимига эга бўлди.

Қўшма мажлисда устивор йўналишларнинг энг муҳими деб тан олинган оммавий ахборот воситаларига юртбошимиз Ислом Каримов алоҳида диққат эътибор билан қараганлигини эътироф қиламиз. Тўғри, президентимиз журналистларнинг машаққатли ва холис ижодий меҳнатига юксак баҳо берар экан, уларнинг жаҳон талаблари асосида фаолият кўрсатишларига йўл-йўриқ белгилашлари билан бирга ижодий журналистлар жамғармаси ташкил қилиниши лозимлигини таъкидладилар. Бу таклиф айни муддао. Журналистларнинг мустақил ва эркин фаолият кўрсатишлари, ўзларининг жамғармаси орқали ҳам ижтимоий манфаатдор бўлишлари замон талабидан келиб чиқади.

Ҳозирги пайтда ижодий жамоанинг энг катта гуруҳига эга бўлган оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзининг ҳам ижтимоий, ҳам ҳуқуқий ҳам ижодий кафолатланиши учун мустақил журналистлар касаба уюшмасини тузиш вақти етилди, деб ўйлаймиз.

Журналистика — XXI ахборот ва технологиялар асрининг жасур ва бирламчи курашчиси. Улар ҳар жабҳанинг энг муҳим ва зарурий ахборот-хабарларини мамлакат миқёсида, қолаверса жаҳон полегонларига олиб чиқадиган курашувчан, интилувчан, изланувчан ижодий шахслардир. Тўғри, журналистика нафақат мамлакатимизда балки жаҳон аҳли ўртасида ҳам донишмандлар таъбири билан айтганда, биринчи ахборотни халққа етказувчи тезкор қаламкашлар сифатида тан олинади. Демак уларнинг меҳнати яшаш тарзи, оилавий шарт-шароитлари, ижодий фаолияти, сафардаги ўзига хос машаққатли юмушлари — ҳаммаси уюшган ҳолда, яна бир бор таъкидлаймиз мамлакат касаба уюшмалари ташкилотини тузишни тақазо этади.

Албатта, Элбошимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси тузилганлиги, мазкур сессияда у кишининг кўрсатма-таклифлари билан ижодий жамғарманинг ташкил топиши журналистлар учун, уларнинг қизғин фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бу инкор қилиб бўлмайдиган жараён.

Ҳозирги туб бурилиш даврида мамлакатимизнинг мустақиллиги мустаҳкамланаётган айни бир пайтда 600 дан ортиқ газеталар, 100 дан ортиқ журналлар, 80 яқин телерадиокомпаниялари, бўлимлари, гуруҳлари ҳамда учта ахборот агентлигининг фаолият кўрсатиши президентимиз таъкидлаганларидек, жамиятимизни тараққиётини янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш борасида уларнинг (журналистларнинг) катта ва қизғин ташаббускор ишлари қўл келмоқда.

Ўйлаймизки, жаҳон мезонлари нуқтаи-назаридан қараганда ҳам илғор мамлакатларда журналистлар касаба уюшмалари муассасалари мавжуд бўлиб, жаҳон журналистлар ташкилотининг борлигини ҳам эътироф этамиз. Йўлбошчимиз таъбири билан айтганда фикрдан фикр чиқар экан, "Тўртинчи ҳокимият" ҳисобланмиш журналистларимизга мустақил касаба уюшмалари ташкилоти зуррлигини янада таъкидлаймиз.

Карим НОРМАТОВ,
профессор

ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТЛИ

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлгани каби республикамизда ҳам текширишлар натижаси бўйича молиявий ва маъмурий чоралар, хусусан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатадиган катта миқдорда жарима солиш, корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳисоб варағидан фойдаланишни тақиқлашни суд ҳокимияти томонидан амалга оширилиши лозимлигини таъкидлаб ўтган эди.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳолати ва улар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар ўзига хос тарзда ўзгармоқда. Энг асосийси бундай муносабатлар янгича мазмун билан бойимоқда. Натижада тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база такомиллашиб, изчиллик касб этмоқда. Жорий йил 24 июнда эълон қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонни шундай сиёсатнинг амалдаги ифодаси дейиш мумкин. Мазкур ҳужжатда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилиши кўрсатилган бўлиб, бу янгиланишнинг тадбиркорлик фаолиятидаги аҳамияти шубҳасиз каттадир.

Мухбиримиз Республика Адлия вазирлигининг масъул ходими Абдували Абдуллаев билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Ҳуқуқий таъсир чоралари суд ҳокимияти томонидан қўлланилганда тадбиркор ҳаёти ва фаолиятига қандай ўзгариш ёки қулайлик киритилади?

— Фармон қабул қилингунга қадар ҳуқуқий таъсир чораларининг аксарият қисми бевосита назорат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлланиб келинган. Бу ҳол уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиш ва ноқонуний молиявий жаримага тортиш, лицензияларни бекор қилиш каби масалаларни ҳал этишда турли қонунбузарликлар содир этилишига олиб келаётганди. Тадбиркор ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишда адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлаётганди. Фармон қабул қилиниши эса бир томондан, суд ислоҳотларини тўлиқ ҳажмда амалга ошишини таъминласа, иккинчи томондан тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатини таъминлайди. Уларни ўз ҳуқуқларини бевосита суд жараёнларида ҳимоя қилиш ва назорат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳаракатига холисона баҳо бериш имконини беради. Таъсир чораларининг суд идоралари орқали қўлланилиши адолатнинг қарор топишига хизмат қилади.

Фармоннинг 2-бандида тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш белгиланган тартибда фақат солиқ хизмати органлари, солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш Департаменти томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Фармон қабул қилингунга қадар бўлган амалиётда бир корхонада бир вақтнинг ўзида солиқ хизмати органлари билан бир қаторда Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш Департаменти томонидан бир хил масалалар бўйича текширишлар ўтказиб келинарди. Бу ҳолат текширишлар сонини ўсишига, такрорийликнинг вужудга келишига, текшириш муддатини асоссиз узайиб кетишига, тадбиркорнинг иш вақтидан оқилона фойдалана олмаслигига сабаб бўлаётганди.

— Фармонга мувофиқ муқобил текширишлар бобида қандай ўзгаришлар бўлади?

— Муқобил текширишлар фақат қўзғатилган жиноий ишлар юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатга эга бўлган органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда ўтказилиши белгиланди. Бу турдаги текшириш жараёнида тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларинигина текширишга йўл қўйилиб, текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилди.

Ушбу Фармон эски маъмурий-тақсимот тизими қолипларидан бутунлай воз кечиш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишда муҳим рол ўйнайди. Яна шуни айтиш жоизки, бу ҳужжат мулк эгасига ҳар томонлама қулайлик ва имконият берса, назорат қилувчи идорага ҳамда раҳбарга тадбиркорга муносабат масаласида масъулиятни оширади.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ суҳбатлашди

"Адолат" бонг уради

Олтиариқликлар ҳақида гап кетганда кўпчилик уларнинг меҳнаткашлигини, ернинг тилини биладиган ҳақиқий деҳқонлар эканлигини фахр билан тилга олишади, пешона тери билан фаровон ҳаёт кечиришини айтишади. Шундан бўлса керак, туман аҳли адолатсизликка, ноҳақликка ҳеч ҳам томошабин бўлиб тура олмайди.

ЁЗДА ЁПИНҒИЧИНГНИ ҚЎЙМА, ҚИШДА...

ёхуд "Фарғонагаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси Олтиариқ туман филиалида бўлаётган ҳангомалардан бир шингил

Гап шундаки, 2005 йилнинг март ойида таҳририятимизга Олтиариқ туманида яшовчи бир гуруҳ маҳалла оқсоқоллари номидан бир шикоят келди. Шикоятда "Фарғонагаз" ҳудудий газ-таъминоти корхонасининг Олтиариқ туман филиали раҳбарлари ўз вазифасига масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги туфайли туман аҳолиси табиий газ йўқлигидан қийналишаётгани ҳақида ёзилган. Биз шикоят изидан Олтиариқ туманига йўл олдик. Туман ҳокимлиги орқали шикоятчилар билан учрашиб, аҳволни ўргандик. Ҳақиқатдан ҳам аҳоли совуқдан азият чекаётганини, ёшлар, қариялар шамоллаганидан шифохона иккинчи уйига айланиб қолганини гувоҳи бўлдик.

— Ўтган қишда маҳаллаларимиз аҳолиси табиий газ йўқлигидан ниҳоятда қийналишди, — дейди Бурбалиқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Валижон Жалолов. — Айниқса, пастги ва ўрта маҳаллаларда тўрт ой мобайнида умуман табиий газ бўлмади. Хонадонлар совуқлигидан, ёш болалар, қариялар хасталаниб, шифохоналарда даволанишга мажбур бўлишди.

— Мутасадди раҳбарлар, айниқса, туман газ идорасининг бош муҳандиси Воҳид Тоштемиров бизнинг ариза ва шикоятларимизга бефарқ қараб, бор отангга, бор онангга қабилида иш тутишаётгани одамга алам қиларкан, — дейди суҳбатимизга қўшилган отахон Д.Нишонов. — Ахир, бош муҳандис одамларнинг арз-додига қулоқ тутиб, борган одамга ҳеч бўлмаса яхши гап билан хонасидан қузатиб қўйса бўлади-ку. 2004 йилнинг декабридан то 2005 йилнинг 1 мартига қадар хонадонимизда умуман газ бўлмади. Қаҳратон совуқ туфайли беш киши ибтидоий одамлардек, каталакдек битта хонада ўтин ёқадиган печка ва сандалда қишни ўтказдик. Ҳатто 2004 йил 31 декабрда туғилган набирам ва келиним билан бир хонада ётиб туришга барча оила аъзоларимиз билан мажбур бўлдик. Туман ва вилоятда газнинг сиғими пастлигидан арз қилиб шикоят ёзмаган, эшигини тагида сарғаймаган идорамиз қолмади, ҳисоб. Бироқ, ҳеч биридан натижа чиқмади.

— Маҳалламизда бир ярим минг аҳоли яшайди, — дейди Т.Низомов номли маҳалла оқсоқоли Аҳаджон Назиров. — Йўқ газга ҳар ой болаларга бериладиган пул, пенсия, ҳатто, моддий ёрдам пулининг 15 фоизи мажбурий тарзда ушлаб қолишади.

Бундан ташқари, маҳалламиз аҳолисининг 70 фоизида газ ўлчагичларни аҳоли ўз ҳисобидан ўрнатишди. "Фарғонагаз" ХГТК Олтиариқ филиали пайвандлаш учун на қувур, на карбид берди.

— Бизда газ йўқлигининг асосий сабаби хусусий нонвойхона, чойхона хўжайинлари ва оҳак пиширувчилар туман газ идораси ходимлари билан келишган ҳолда ноқонуний табиий газдан фойдаланишаётганида, — дейдиларни рўкач қилиб, "Ўзтрансгаз" холдинг компаниясига қарашли юқори босимли магистрал газ қувурида табиий газ босими кексин пасайиб кетгани сабабли камчиликлар бўлди, деган узуқ-юлуқ жавобни беришди...

"Зилҳа" қишлоқ фаоли Масир Эрматов. — Туман газ идораси раҳбари бўлиб олган олдинги бош муҳандис фақат ўзини ўйламасдан, туман аҳли фаровонлигини ўйласа ҳеч қандай муаммо бўлмасди...

Биз шикоятчилар билан аҳволни тўлиқ ўргандик. "Фарғонагаз" ХГТК Олтиариқ филиали мутасаддиларига учрашдик. Улар турли баҳоналар билан ҳозирги давр мутафаккирларидан ҳам теранроқ тарзда инсон эркинлигининг конкрет фойдаларини барча учун тушунарли қолатда талқин этади: «Форслар Кир даврида қуллик ва озодлик (эрк) орасидаги ўрта ҳолда турганлар ва аввал ўзлари эркин-озод, сўнгра эса – кўпгина бошқалар устидан хожа бўлиб оладилар. Аммо ҳукмрон бўла туриб улар қўл остидагиларга (тобеларга) эрк улушларини ажратардилар ва уларга ўз тенгларидай муомалада бўлардилар, шундан, жангчилар қўмондонлар билан қалин дўст эдилар ва хавф-хатарга қарши камоли ҳоқиш билан борар эдилар. Агар кимдир оқил бўлса ва маслаҳат бера олса, подшоҳ ҳасад қилмасди, аммо фикрини очиқ айтишига имкон берарди ва масалаҳатгўй бўлиши мумкин бўлганларни қадрларди, у уларга ўзларининг оқил (онгли) эканликларини кўпчилик халқ олдида намоён этишга имкон берарди, шунинг учун ўша пайтларда форслар қамма нарсага муваффақ бўлганлар – озодлик (эрк), дўстлик ва фикр алмашишлар орқали».

Платон давлатнинг адолатли жамиятнинг яшаши учун таҳдид туғдирадиган муаммолари ечимини топишга ҳам муҳим аҳамият берди. У давлат мансабдорлари юрагидан иккита қудбинлик илдизларини юлиб ташлашни таклиф этган эди: мулкка бўлган муҳаббат, оилага муҳаббат. Шунинг учун ҳам у давлатни ота-она ва оиладан-да юқори туришини тарғиб қилган эди. Давлат ҳокимияти фаолиятини кенг халқ оммаси томонидан назорат қилиш учун имкон бўлмаган ўша замонларда бу каби муносабат ҳаётий зарурият эди.

Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай "Фарғонагаз" ХГТК раҳбарияти Олтиариқ филиали бошлиғини ўз вазифасидан озод этди. Шикоятчилар таҳririятга телефон қилишиб, мақола ёзишга ҳожат қолмаганини, вилоят раҳбарлари энди инсофли, виждонли инсонни Олтиариқ туман газ идорасига раҳбар этиб тайинлаб қолар деган умидда эканликларини айтишди.

Буни қарангки, яна худди шу маҳалла оқсоқоллари бизга мурожаат қилишиб, айни ўтган қишда аҳолининг норозилигига сабабчи бўлган "Фарғонагаз" ХГТК Олтиариқ туман филиали бош муҳандиси Воҳид Тоштемировни ушбу ташкилотга раҳбар этиб тайинланганини, ўзлари учун келаси қиш мавсуми ҳам оғир келишини айтишиб, шикоят йўллашди. Ахир, 2004 йил декабридан то 2005 йил мартига қадар Воҳиджон Тоштемиров "Фарғонагаз" ХГТК Олтиариқ филиалида бош муҳандис лавозимида ишлаб, табиий газ етишмовчилигига бефарқ қараган бўлсаю бундан мутасадди раҳбарлар кўз юмиб уни мазкур идоранинг раҳбари этиб тайинлашганлигига қандай қараш мумкин? Ёз ўтиб, қиш эшик қоқади. Шундай экан, ўтган қишни минг азобда ўтказган олтиариқлик маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг "Фарғонагаз" ХГТК мутасаддилари устидан шу йўсиндаги норозилик шикоят хатлари қачон ниҳоясига етади. Уларнинг арз-додини ким тинглайди. Бу ҳақда шу соҳада жавлон уриб меҳнат қилаётган мутасадди раҳбарлардан жавоб кутиб қоламиз.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Каттақўрғонда Дилоромни танимаган, унинг қўлидан шифо топмаган кишилар камдан-кам. Негаки, Дилором чорак асрдан бери Каттақўрғон шаҳар шифохонасида фаолият кўрсатиб келаяпти. Ана шу йиллардан буён у қанчадан-қанча беморларни оёққа турғизди.



ЭЛ ДАРДИ УНИНГ ДАРДИ

Мободо ўзаро давраларда саломатлик ҳақида гап очгудек бўлса, кўпчилик Дилоромга учрашишни, ундан малҳам топганини айтишади ва унга мурожаат этишлик ҳақида маслаҳат беришади. Бу бежиз эмас. Дилором Оқбўтаева ўз касбини жон-дилдан севади. Дардига даво излаб келган ҳар қандай кишини самимий ва мулойимлик билан қабул қилади. Дардини тинглаб, касаллик асоратларини чуқур ўрганиб чиқади. Ана шундан сўнг беморни даволашга, уни жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб оиласи бағрига қайтишига қўлдан келган хизматини қилади.

— 1990 йилларда Каттақўрғон шаҳар марказий шифохонасига иккинчи марта бош ҳаким бўлиб келдим, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фахрийси Нормурод Жабриев, — ўша йиллари шифохона бўлимларини қайта таъмирлаб чиқиш, шифокорлар малакасини ошириш, ҳакимлар ўртасида энг яхши врачларни аниқлаш мақсадида кўрик-танловлар ўтказишга тўғри келди. Ўшанда Дилором Оқбўтаева тиббиёт соҳасида билимдон, ўз касбини жон дилдан севадиган, интилувчанлиги, изланувчанлиги туфайли ҳамкасблари ва беморлар ўртасида обрў-эътибор топган шифокорлардан эканлиги аниқланди. Шунинг учун ҳам жамоамиз билан маслаҳатлашиб уни марказий шифохонамизни янгитдан қурилган биринчи терапия бўлимига мудир этиб тайинладик.

Янги бўлимда янгитдан иш бошлаш осон кечмади. Эл соғлиги учун ҳамиша талабчан бўлган Дилором ўзи раҳбарлик қилаётган бўлимга малакали, маданиятли, беморлар билан самимий мулоқотда бўладиган шифокорларни бағрига тортди. Кадрлар танлаш билан бирга бўлимда физиотерапия, уқалаш, парафин ва ваннахоналар ишини жонлантиришга киришди.

Дилоромнинг ўзига хос иш услуби бор. У ҳар куни ишга келганда навбатчи ҳамширалар билан суҳбатлашиб олади. Беморларнинг кечки ташвиши, безовта бўлганлиги ва бўлмаганлиги ҳақида суриштиради. Шундан сўнг беморлар билан суҳбатлашиб чиқади, дардини тинглайди, қимматли маслаҳатларини беради. Шу билан бирга бўлимдаги барча хоналарнинг тоза ва нотозалигини кўздан кечиради. Унинг ана шундай саъй-ҳаракати туфайли ҳам бўлимда ҳамиша осойишталик ҳукмрон.

Дилором Оқбўтаева мудирлик қилаётган бу бўлимда беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир хонада стол, стул, кийим сақланадиган шкафлар билан бирга пастга қалин гиламлар тўшалган.

—Шу бўлимда хизмат қилаётганимдан беҳад мамнунман, — дейди ҳамшира Матлуба Ҳикматова. — Мен бу ерда анча тажриба орттирдим. Бўлимимиз мудири Дилором Оқбўтаева ва катта ҳамшарамиз Ҳурбинисо Нормуродовалардан тиббий хизмат соҳасининг ўзим билмаган томонларини ўргандим. Шуни қувонч билан айтишим керакки, бўлимимизда хизмат қилаётган ишчи-ходимларни ҳаммаси хотин-қизлар. Жамоамиз ўртасида аҳиллик жуда мустаҳкам. Беморларга хизмат қилиш жараёнида бир-биримиздан маслаҳат олиб борамиз.

Дарвоқе, бўлим шифокорлари хизматидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

— Йил, ўн икки ой юрагим безовталаниб, ошқозоним оғриғига чидолмай юрардим, — дейди Каттақўрғон туманидаги Элмурод Қурбонов номли ширкат хўжалиги аъзоси Ҳайитмурод Омонов, — Танишларимдан бири Дилором Оқбўтаева раҳбарлик қилаётган бўлимда даволанишимни тавсия этди. Оллоҳга минг қатла шукрки, Дилоромнинг кўрсатган ёрдами туфайли оғриқ дардларидан халос бўлдим. Врач синглимиз Дилором Оқбўтаева ва ҳамширалар Ҳурбинисо Нормуродова, Нодира Ҳамдамова, Норбодом Ҳалимова, Матлуба Ҳикматова, Дилором Шукурова ва Дилором Тошеваларнинг ҳар бири ҳар куни ситқидилдан тиббий хизмат кўрсатишди. Айниқса, уларнинг беморлар билан суҳбатлашганларида чеҳрасидан нур, тилларидан бол томаётганини айтмайсизми. Бемор кишига ширин сўз ҳам катта малҳам бўлар экан. Қўллари дард кўрмагур бу шифокорларимиз ҳар томонлама дардимизга дармон бўлишиб, соғ-саломат тик оёққа туришимизда астойдил хизмат қилмоқда.

— Бўлим хоналарининг сариштaлиги, озодалиги ва ҳавосининг тозалиги, — дейди меҳнат фахрийси Ҳурмат Раҳмонқулова, — дардимни анча енгиллаштирди. Бунинг учун биз беморлар бўлимнинг хўжалик бекаси Тупанисо Йўлдошева, кичик тиббий ходимлар Мавжуда Мелиқулова, Матлуба Бердиёрова, Мархабо Ваҳобова ва Шаҳло Холбоева сингарилардан хурсандмиз. Бу қизларимиз бўлим хоналарини тоза-озода сақлаш учун кеча-ю кундуз тиним билишмайди.

Бўлимда даволанаётган қайси бир бемор билан суҳбатлашманг шифокорларнинг холисона хизматларидан беҳад миннатдор эканликларини қувониб гапиришади. Тўғрида, ҳар қандай жамоанинг элга намунали хизмат кўрсатиши кўпроқ унинг раҳбарига боғлиқ. Бўлим мудири Дилором Оқбўтаеванинг одамларга бўлган меҳри беқиёс. Энг муҳими у ўз касбини жон дилдан севади. Халқимизнинг соғлиги кўпроқ уларнинг кайфиятига боғлиқ эканлигини чуқур ҳис этади. Шунинг учун ҳам у аввало беморлар кайфиятини кўтариш учун яхши сўз, самимий муомалада бўлиш, беморлар ётган жойларни тоза ва озода сақлаш, уларнинг дардига тўғри ташҳис қўйиб, керакли доридармонлар билан даволаш учун астойдил ҳаракат қилади. Дилоромнинг ана шундай самимий хизматлари туфайли беморлар тез кунда оёққа туришга муваффақ бўлишмоқда. У раҳбарлик қилаётган шифокорлар ҳар кун, ҳар соатда беморлар дуосини олмоқда.

Биз юқорида Дилором Оқбўтаеванинг одамларга бўлган меҳри беқиёслиги ҳақида гапирдик. Зеро, бу бор гап. У бўлим ишидан бўш пайтларида баъзиларга ўхшаб уйига бориб ором олишни истамайди. Ишдан ташқари уни гоҳ маҳллада, гоҳ мактаб ва коллежларда одамлар ўртасида саломатлик хусусида суҳбат ўтказаётганини кўрасиз. Баъзан эса ўша жойларда ташкил этилган медицина шахобчаларида фаолият кўрсатаётган шифокорларга қимматли маслаҳатлар бераётганини учратасиз. Дилоромнинг энг яхши хислатларидан бири нажот истаб келувчи беморларга хизмат кўрсатишда вақт билан ҳисоблашмайди. Шундай пайтлар бўладики, баъзан ярим тунларда дардга чалиниб қолган қўни-қўшнилар, таниш-билишлар ундан нажот истаб уйига келишади. Ана шундай пайтда у беморларга қўлидан келган хизматини аямайди. Керак бўлганда уйидан бўлса ҳам дори-дармонларни олиб боради. "Халқимиз соғ бўлса турмушимиз фаровон бўлади", дейди у.

Дилором Оқбўтаева жамоасидаги қалби беғубор раҳбар, оиласида эса меҳрибон она. У тўрт фарзандини оқ ювиб, оқ тараб халққа ва ватанига нисбатан садоқатли инсонлар қилиб етиштирди. Фарзандларининг ҳар бири турли касб эгаларидир. Улар оналари Дилором сингари кеча-ю кундуз элюрт хизматига камарбаста. Шунинг учун ҳам каттақўрғонликлар Дилором Оқбўтаева оиласидан фахрланишади. Негаки, Унинг турмуш ўртоғи Холмурод Оқбўтаев ҳам фидоий шифокорлардан. Улардаги аҳиллик, ширинсуханликни бир-бирларига бўлган меҳрибонлигини ҳамма ҳавас қилади. Мабодо, улар билан ўз касблари ҳақида суҳбатлашиб қолгудай бўлсангиз "Эл дарди бизнинг дардимиз", дейишади.

Ҳа, эл дарди учун ёниб яшаётган ана шундай шифокорларимиз ҳамиша омон бўлсин.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
"Адолат" мухбири
Суратда: бўлим мудири Дилором Оқбўтаева бўлим шифокорлари даврасида

Сиз нима дейсиз?

Ҳар бир халқнинг урф-одатлари, анъаналари ва миллий либослари бор. Шу жумладан, ўзбекнинг ҳам миллийлиги ўзига хосдир. Ҳошияли дўппиларимиз, зарбоф тўнларимиз, қадимда аёлларимиз кийган турли хил либослар-у, тақинчоқларимизда ҳам ўзбекона миллийлик мужассам.

БУ МАДАНИЯТСИЗЛИК ЭМАСМИ?

Бугун айрим ёшларимизнинг юриш-туриши, одоб-ахлоқи, хатти-ҳаракатлари, кийинишларини кўриб чуқур таажжубга тушасан, киши. Жаҳон аҳли ўзбек қизлари деганда иболи, ҳаёли, андишали қизларни кўз олдиларига келтиришади. Тўғри орамизда бундай тарбия кўрган йигит-қизларимиз кўп. Аммо айрим ёшларимиз, айниқса, қизларимизнинг кейинги пайтда ўзларини тутишлари, юриш-туришларини кўриб ёқа ушлаймиз.

Уларнинг кўча-кўйда, автобуслардаги хатти-ҳаракатлари, жамоат жойларида бир-бирлари билан бақириб-чақириб гаплашишлари, кулишлари ва қўпол-ликларини кўриб энсангиз қотади. Эгниларидаги ярим-яланғоч кийимлари кошки ҳусни малоҳатига ярашган бўлса. Буни қарангки, уларнинг наздида мана шунақанги кийимлар бугунги куннинг "мода"си эмиш. Чет элнинг замонавий бу либослари билан улар гўёки европа маъданиятига тақлид қилмоқчи бўладилар.

Уларга қараб танбеҳ бермоқчи бўлсангиз, "Ҳозир замон ўзгариб кетган, шуни талаб қиляпти, кейин мени юриш-туришим ёки кийинишим билан кимнинг иши бор, ўзим хоҳлаганимни қиламан, қолаверса, замонавий, маданиятли киши худди шундай бўлиши керак", деган жавобни оласиз.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ўзини "маданиятли" ҳисоблаган ёшларимиз гапирганларида, соф ўзбекча сўзларга бошқа, ўзлари ҳам тушунмайдиган тиллардан сўзлар қўшиб гапирадилар. Бу ҳам уларнинг наздида "маданият" бўлса керак-да. Бундай ҳолатларга у ер-бу ерда дуч келаётганимдан афсусдаман. Ахир биз ўзбекнинг фарзандларимиз, юртимизнинг камоли бизнинг қўлимизда. Шундай юриш-туриш, кийиниш, муомала билан қаергача борамиз. Ҳаётга енгил-елпи қараш миллий урф-одатларимиз қадриятларимизга зид ҳолда иш юритиш инсофсизлик эмасми? Бой ва бебаҳо маданиятимизга кимлар ҳавас қилмаган. Буни унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Биз ёшлар халқимизнинг барча гўзал фазилатлари билан ўзимизни намоён этишимиз, маънавий қадриятларимизни улуғлашимиз керак. Сиз бунга нима дейсиз, азиз тенгдошим!

Шохсанам ХИДИРОВА,
"Адолат" мухбири

Ёшлар овози

Нафосат Ражабова 1991 йилда Хоразм вилояти, Шовот туманида туғилган. Ҳозирги вақтда тумандаги 46-ўрта мактабнинг 8 синфида ўқияпти.

СЕН ТУФАЙЛИ ГЎЗАЛДИР ДУНЁ



Ёш шоиранинг "Болалигим қувончи", "Бир жуфт атиргул" номли шеърий тўпламлари ёруғлик юзини кўрди.

Нафосатнинг "Меҳр қувончи" тўплами яқинда ўзбек ва инглиз тилларида тайёрланиб, тўплам ҳолида нашрдан чиқди. Унинг ушбу тўпламидан олинган шеърларни сиз газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

ВАТАН

Ватан, сенинг тупроғинг ўпай,
Ва қилайин кўзда тутиё.
Жамолингдан айланиб кетай,
Сен туфайли гўзалдир дунё.

Маҳлиёдир сенга қуёш ҳам,
Силагайдир бағринг муттасил.
Ёмғирларинг бамисли шабнам,
Бир оламдир бунда ҳар фасл.

Она сути каби беғубор —
Оппоқ пахта — миллат зийнати.
Булбулларинг хонишида бор
Сенинг рамзинг, нафис сийратинг.

Алишмайман тиконларингни,
Ўзга юртнинг гулзорига, бас...
Асрагайман достонларингни,
Токи жаҳон қилгайдир ҳавас.

Сени жондан севган қизингман,
Дилдан битдим ушбу шеъримни.
Гулзорингда унган гулингман,
Қиёси йўқ сенинг меҳрингни.

ТИНЧЛИК

Ҳумо қуши, бахт қуши,
Парвозингни кутаман.
Учиб келсанг қаршимга
Кафтларимни тутаман.

Тилаклар бўлар бажо,
Кимки сенга ишонса.
Сен заминнинг элчиси,
Туганмас шуҳрат, шонсан.

Қанотларингни силаб,
Умидинг-ла ўрайман.
Тилагинг не? — деса у
Юрт тинчлигин сўрайман.

ОНАЖОНИМ

Қўшиқ қилиб айтсам дейман,
Номингизга ёзиб шеър.
Суратингиз чизгим келар
Юрагимдан бериб меҳр.

Уйқум келмас эшитмасам,
Эркалаган сўзингизни.
Кўрсам дейман доимо,
Қувонч тўла кўзингизни.

ОРЗУ ҚАНОТИДА

Орзум қанотида учиб бораман,
Сўнгсиз самоларни қучиб бораман.
Эзгулик йўлида ҳар не бўлса ҳам,
Ғаму андуҳлардан кечиб бораман.

Озодлик машъали порлар йўлимда,
Улуғ боболарим ушлар қўлимдан.
Иймон-эътиқодим собит дилимда,
Манзилим яқиндир етиб бораман.

Нафосат РАЖАБОВА

Спорт оламида

Чойхонада ош дамлаётган чуст дўппи кийган отахон ёнидаги шеригига сўрида чордона кўриб ўтирган тўрт полвон томонга ишора қиларкан:

СПОРТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

— Таниясизми? — деди.

— Албатта, — деди шоп мўйловли киши елкасидаги оқ сочиққа қўлини артаркан. — Бир пайтлар яхши кураш тушишарди.

— Нега энди бир пайтлар, — дея отахон қаддини ростлади. — Термиз шаҳрида кураш бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатидан хабаринг йўқми? Ана халос. Уни "зангори экран" орқали бир неча марта кўрсатишдику. Мана шу тўрт полвоннинг иккитаси жаҳон чемпиони, бири кумуш, яна бири бронза медалини қўлга киритишди.

Қозон атрофида турган ёшлар катта тут остидаги сўрида ўтирган полвонлар томонга қизиқиш билан қарай бошладилар.

Оқ кўйлакли акахонни спорт мусобақаларида кўп кўраман, — деди юмалоқ юзли йигит. — У кўпроқ ташкилотчилик билан шуғулланади.

— Тўғри, — деди отахон капкирни лаганга кўяркан. У Мамасоли ака Исмоилов. Миллий кураш бўйича Андижон вилояти федерациясининг масъул котиби. Бирорта катта кураш бу кишининг иштирокисиз ўтмайди. Полвонларни мусобақаларга олиб боради, бутун ташкилий ишлар мана шу кишининг зиммасида.

Термизда ўтказилган жаҳон чемпионатида Мамасоли Исмоилов финалда қирғизистонлик юзидан нур ёғилиб турган қарияга олижаноблик қилиб ютуқни берди. Жаҳонда иккинчи бўлиш ҳам катта гап-да.

— Деҳқон полвон бўлса 90 килодан юқори вазнда ҳамма рақибларини ағдарди, — деди юмалоқ юзли йигит ғурур билан. — Телевизорда кўрдим. Финалда у татаристонлик Рифат полвон билан беллашди. Рифат полвон жуда машҳур курашчи. Анча-мунча полвон унга бас келолмайди. Деҳқон полвон уни бир марта йиқитганда ҳакам чала деб баҳолади, кейинги марта йиқитганда Рифат полвонни ўзи ҳам тан берди.

— Деҳқон полвоннинг асли исми Сотқинбой, фамилияси Эргашев, — деди у. — Машҳур Ёқуб полвоннинг набираси бўлади. Ёши 67 га борди. Аммо ҳозир ҳам 32 килоли тошни бир қўлда 30 марта кўтаради. Унинг набиралари ҳам полвон. Улардан бири спорт коллежида таҳсил кўради.

Думалоқ юзли йигит бўш келмади:

— Ўнг томонда ўтирган отахонни яхши биламан, — деди у. — Балиқчилик Жаббар полвон Ҳайдаров бўлади. Касби трактор ҳайдовчиси. Бир неча бор кураш бўйича республикамиз ғолиби, 60 ёшга кирганида Балиқчида катта тантана, кураш мусобақаси бўлган. Бутун водийдан полвонлар келишган. Жаҳон чемпионатида бронза медали совриндори бўлди. Тиллахўжа полвон, Абдужаббор полвонлар мана шу отахоннинг шогирдлари.

Отахон кураш билимдони эканлигини яна бир бор намойиш этиб қўймоқчи бўлди:

— Уларнинг ичида энг ёши, энг хушбичими Қаҳрамонжон Турсунбеков, — деди у виқор билан. — Кўрғонтепадан. Ўзбекистон спорт устаси. Термизда ўтказилган жаҳон чемпионатида 35-40 ёшли полвонларнинг 90 килограммча вазн тоифасидаги беллашувларда олтин медални қўлга киритди. Ҳозир унинг 10-15 нафар шогирди бор. Оғирбосиқ, одобли йигитлиги кўриниб турибди.

Мухлислар полвонлар ўтирган сўри томонга қараб юришди:

— Муборак бўлсин! — дейишди қўлларини кўкракларига қўйишиб.

Тўлқин СИДДИҚ,
"Адолат" мухбири

ОСИЁДА БИРИНЧИ

Бокс бўйича мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси Покистоннинг Карачи шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақият қозонишди.

Қитъамизнинг энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирокидаги ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз бешта олтин, учта бронза медалини қўлга киритиб умум жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Жаҳоннинг энг кучли бокс мактабларига эга бўлган давлатлар вакиллари орасидаги ғолиблик учун кураш, мазкур чемпионатда муросасиз кечди. Мураббий Мансур Махмудов бошчилигидаги терма жамоамиз аъзолари ўз анъаналарига содиқ ҳолда Япония, Жанубий Корея ва Сурия каби йирик давлатларнинг тажрибали боксчиларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Ўз вазнларида Баҳодир Мамажонов, Зокир Ортиқов, Дилшод Обиджонов ва Ахрор Нуралиевларнинг ғалабаси шарафига Ўзбекистон мадҳияси янграб байроғимиз юксакка кўтарилди. 54 килограм вазн бўйича рингга чиққан бир юртдошимиз Орзубек Шоимовга кумуш медали насиб этган бўлса, уч нафар боксчи бронза медали билан терма жамоа хизматини бойитди.

Рустам ҲАЙДАРОВ

ЁШЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги «Тоза Амиробод» ширкат хўжалиги ёшлари яна бир қулайликка эга бўлдилар. Улар энди янги стадионда спортнинг кўплаб турлари бўйича машғулот ўтказа бошладилар.

Яқинда қуриб битказилган ушбу ўйингоҳда футбол, баскетбол, валейбол ва енгил атлетика майдонлари мавжуд. Айни дамда бу ерда спорт ихлосмандлари қатнови узилмай қолди.

Суратда: тумандаги «Тоза Амиробод» ширкат хўжалигида жойлашган янги стадионда ёшлар навбадаги машғулотни ўтказишмоқда.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

УСТОЗИДАН ЎЗГАН ШОГИРДЛАР

Андижонлик халқ амалий санъати усталари «Маҳалла уста-ҳунарманди» унитар корхонасининг дўкон шахобчалари орқали ўз маҳсулотларини сотишмоқда.

Эндиликда вилоятнинг турли жойларида яшаб ижод қилаётган уста ҳунармандлар андижонликларга ва вилоятга ташриф буюрган чет эллик меҳмонларга кулолчилик, зардўзлик, каштачилик санъати маҳсулотлари, миллий дўппи, сўзана каби ўз ижод намуналарини таклиф этишмоқда.

Унитар корхона мутахассислари халқ амалий санъати сир-асрорларини ўрганишга бел боғлаган ёшларга ҳунар ўргатишга чоғланган маҳалла уста-ҳунармандларига кредит ажратишни йўлга қўйишди. Қўлида маҳалла фуқаролар йиғинидан кафолат варақаси бўлган уста ҳунармандга 200 минг сўм миқдоригача кредит берилади.

Андижон шаҳар фуқаролар маҳалла йиғини фаолларининг хомаки ҳисоб-китобларига қараганда, «устоз-шогирд» тамойили асосида 200 та уста ҳунарманд аъзо бўлган «Маҳалла уста-ҳунарманди» унитар корхонасининг имтиёзли кредитлари туфайли дастлабки пайтда 1200 нафар андижонлик ёш йигит ва қизлар иш билан таъминланади.

К.НИЗОМОВ

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА

Жорий йилнинг беш ойи мобайнида «Маҳаллийлаштириш» дастури бўйича Тошкент вилояти саноат корхоналарида жами 19,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу билан 17 миллион 363 минг АҚШ доллари иқтисод қилиниб, 148 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Гап шундаки, мазкур дастурга асосан маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш мўлжалланган бўлиб, вилоят ҳудудидаги 18 та корхона 27 турдаги маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Ҳозирда «Олмалиқ тоғ металлургия комбинати», «Аммафос», «Ўзбекистон металлургия комбинати» корхонаси дастурни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб, бирламчи қўрғошин, ферромарганит, оммоний-сульфат, том ёпиш материаллари, арматура ишлаб чиқаришни мунтазам йўлга қўйган.

ТАРБИЯНИНГ НОЗИК ТОРЛАРИ

Пойтахтдаги "Шератон" меҳмонхонасида "Сен ёлғиз эмассан" Республика болалар жамғармаси ташаббуси билан меҳрибонлик уйлари раҳбарлари учун семинар ташкил этилди. Мазкур тадбир Республика Халқ таълими вазирлиги, Таълим маркази, ЮНИСЕФ болалар жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилди.

Мазкур уч кунлик семинарда мамлакатимизда фаолият юритаётган 28 та меҳрибонлик уйларининг раҳбарлари иштирок этди. Фарзанд дунёга келгач унинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етиши учун тўлақонли оилада вояга етишиши лозим. Афсуски, бугунги кунда ўз жигаргўшасини ана шундай бахтдан бенасиб этаётган ота-оналар кўплаб топилади. Норасида гўдаклар ўз ота-онаси ва яқинларидан кўрмаган меҳрни меҳрибонлик уйларида топишмоқда. Бундай болаларга меҳр керак. Бунинг учун тарбиячи ўз қаромоғидаги болага она бўлмоғи, ўз ишига масъулият ва алоҳида меҳр билан ёндошмоғи лозим.

Семинарда меҳрибонлик уйларидаги ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинди. Шунингдек, меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар учун керакли шарт-шароитлар яратилмоғи лозимлигини таъкидланди. Меҳрибонлик уйлари тарбиячиларининг малакасини ошириш, уларнинг болалар психологиясини билиш даражасини шакллантириш борасидаги тарбиявий-услубий ишларни такомиллаштириш долзарб эканлиги эътироф этилди.

"Туркистон-пресс"

ЁШ СПОРТЧИЛАР ЮТУҒИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ва Болтиқ бўйи мамлакатлари ёшлари ўртасида ўтказилган ҳалқаро дзюдо ва бадиий гимнастика спорти терма жамоамиз спортчилари учун муваффақиятли якунланди.

Жумладан энг гўзал ва мафтункор спорт турида Навоий гимнастика мактабининг етук вакили Уляна Трафия шоҳсупанинг иккинчи поғанасига кўтарилган бўлса, лента билан бажарилган машқларда яна бир юртдошимиз бронза медалига сазовор бўлди. Кўп кураш якунига кўра терма жамоамиз қизлари ўн олти мамлакат вакиллари ўртасида фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Дзюдо беллашувларида ҳам юртимиз ёш полвонлари жами олтита бронза медали билан тақдирланишди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Мамлакатимизда спортнинг каратэ тури кун сайин ривожланиб бормоқда. Жаҳон ареналарида ўтказилаётган кўплаб мусобақаларда ўзбекистонлик каратэчилар рақибларига муносиб қаршилик кўрсатган ҳолда юртимиз байроғини юқори кўтариб келмоқда.

Ҳозирда Нурхон Нафасов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси июл ойида Болгарияда бўлиб ўтадиган ҳалқаро турнирга тайёргарлик кўрмоқда. Маккаода бўлиб ўтган Осиё чемпионатида каратэчиларимиз юқори ўринларни қўлга киритиб, еттита медал билан юртимизга қайтиб келган эди. Вакилларимизнинг Осиё чемпионатидаги иштироки мутахассислар томонидан юқори баҳога лойиқ деб топилди. Болгариядаги ҳалқаро турнирда ҳам ўзбекистонлик каратэчилар ғолиблик учун асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса ўз навбатида жаҳон ареналарида ҳам спортчиларимизга эътибор юқори эканлигидан далолат беради. Ундан ташқари, Ўзбекистон терма жамоаси сентябр ойида Кипрда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида иштирок этади.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Анвар ЖУРАБОЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРГАШЕВ, Ўткир ЖЎРАЕВ, Бобокатта ШОДИЕВ, Зоҳир ТУРАҚУЛОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
телефонлар:
Қабулхона-136-53-14.
Факс: (8.371) 133-41-89.
Сиёсат ва партия ҳаёти — 136-55-96.
Хатлар бўлими — 136-55-64.
Маънавият, адабиёт ва санъат-136-55-64

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 016 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Адади — 1533. Буюртма Г— 600. Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.
Саҳифаловчи — Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди — 21.30

• Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди. 2 3 4 5 6